O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 19 июль, шанба № 87 (1819). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 19 июля, 2003 г. № 87 (1819). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи ярмида барқарор иқтисодий ривожланиш давом этгани, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамлангани, тўлов интизоми ошгани, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари мутаносиблиги кучайгани ҳақида гапирди. Босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, барча соҳаларда муайян ютуқларга эришилди.

Олти ой ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 103,8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 103,8 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 104,0 фоиз ва пуллик хизматлар ҳажми 104,4 фоиз ўсди.

Ушбу рақамлар иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришларнинг ўзига хос кўзгуси сифатида юртимизда бозор муносабатларини шакллантириш жараёнлари жадал ва самарали давом этаётганини кўрсатиб турибди.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан ҳисобланувчи хусусийлаштириш, хусусий мулкчиликни шакллантиришнинг аҳамияти катта. Ҳисобот даврида 698 корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштиришдан тушган жами маблағ 22,5 миллиард сўмни ташкил қилди.

Президентимиз хусусийлаштириш ва хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш бўйича қабул қилинган Фармон ва қарорлар талаблари тўла ва кўнгилдагидек ижро этилмаётганига алоҳида тўхталди.

Ўтган даврда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари бўйича, жумладан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир Фармонлар ва уларнинг ижросига қаратилган ҳукумат қарорлари, дастурлар, бошқа муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга кенг жорий этишга йўналтирилган амалий ишлар давом этмоқда. Мажлисда ана шу ҳужжатлар ижроси бўйича мавжуд аҳвол танқидий нуқтаи назардан теран таҳлил этилди.

Шунингдек, фермер хўжаликларини ривожлантириш ни янги погонага кўтариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун кенг кўламли суғурта хизматлари кўрсатиш тизимини жорий этиш, айниқса, қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш суст бораётгани оқибатида қурилиш ишларини вақтида бажариш ва объектларни фойдаланишга топшириш қониқарсиз аҳволда экани жиддий кўрсатиб ўтилди. Танлов савдолари ўтказишда қонун бузилишлари ҳамон давом этаётгани, қурилиш қийматининг ошириб борилиши ҳоллари мавжудлиги, лизинг ва лойиҳа-инжиниринг хизматлари кўрсатиш тизими талаб даражасида ривожланмаётгани, хусусий қурилиш ташкилотлари равнақига эътибор қаратилмаётгани қайд этилди.

Пиғилишда иқтисодий ва демократик янгиланишлар йўлига гов-тўсиқ бўлаётган барча даражадаги бошқарув тизими нуқсонларини бартараф этиш зарурлиги таъкидланди. Маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тизилмасини такомиллаштириш, шу жумладан давлат статистика ва идоравий ҳисоботи тизимини қайта кўриб чиқиш ва бошқа долзарб вазифалар бўйича тегишли тавсиялар, кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир Ўринбосари, Иқтисодиёт вазири Р. Азимов, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А. Жўраев, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М. Асқаров, Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборов, Сирдарё вилояти ҳокими Р. Ҳайдаров ва Хоразм вилояти ҳокими И. Бобожоновнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА).

Ун икки йил кўҳна тарих олдида кўз очиб-юмгунчалик бир муддат. Аммо биз ўзбекистонликлар учун унинг аҳамияти беқиёс. Халқимиз ўтган қисқа давр мобайнида озодлик, ҳурлик қанчалар улуғ неъмат эканлигини англаб етди. Ватанни, тинчлик, осойишталикни ҳимоя қилишни ўрганди.

Тенглар ичра тенг яшаш, дунё узра Ватаннинг ойнолдузли байроғини адл тутиш, ёниб-ёниб яшаш, меҳнат қилиш биз учун ҳаёт мазмунига айланди.

Замондошларимиз эришаётган ҳар бир ютуқ, муваффақият буюк келажакка мустаҳкам пойдевор бўлмоқда. Биз аллақачон ўзлигини англаб етган халқмиз. Улуғ ишларга қодир халқ, миллат эса асло завол топмайди.

● ТАҚДИРИМСАН, ИСТИҚЛОЛ!

„ҲАЁТДАН АНГЛАДИМ ҚУТЛУҒ НЕЪМАТНИ“

Бу рукнни топиш учун узоқ ўйламадик, ортиқча изланмадик. Она-юрт ҳимоячиларининг қалбларига қулоқ тутдик, холос. Айниқса, мустақиллик йилларида эгнига ҳарбий либос кийган алпларимиз, янги миллий истиқлол ғоялари билан суғорилиб, бугун сафларда жавлон ураётган аскарларимиз кўнглида рукнга олиб чиққан сўзларимиз жаранглаб турибди. Дилдагини тилга олиб чиқиш, ундан сизларни ҳам огоҳ этиш мақсадида уларнинг айримлари билан қисқача суҳбатлашдик. Қуйида шулардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Оддий аскар Алишер Тошболтаев, Фарғонанинг Тошлоқ туманидан. Шартнома бўйича хизмат сержанти Қурбон Рашидов командирлик қилаётган автомобилчилар гуруҳида механик-ҳайдовчи вазифасини бажармоқда. Кузда муддатли ҳарбий хизмати ўз ниҳоясига етади.

— Мустақилликка эришганимизда ёшим саккизда эди. Тўғриси, ўшанда бу қутлуғ неъматнинг аҳамиятини унчалик тушунмаганман. Ота-онамдан, ўқитувчилардан унинг моҳиятини сўраганимда, «Бу ўз мустақил давлатимиз, ўз тараққиёт йўлимиз бўлади, дегани» қабилида тушунтиришган. Кейинчалик ҳаётнинг ўзи мустақилликнинг нима эканлигини англата борди. Турли байрамларимиз, қадриятларимиз ўзимизга қайтди. Бунёдкорона ишларда турмушимиз янада чирой очди. Техникага қизиқаман. Шундан келиб чиқиб айтишим мумкинки, кўчаларимиз ўзбек автомобилсозлиги самараси бўлган «Тико», «Дамас», «Нексия»ларга тўлди. Биз ёшларнинг билим олишлари учун замонавий ўқув масканлари — лицей, коллежлар барпо этилди. Ўзгариш, янгиланишлар шу даражада кўпки, санаб адоғига етиб бўлмайди. Хуллас, бугун «Мустақиллик» деганимда шулар кўз ўнгимдан ўтади, — дейди босбон.

(Давоми 2-бетда).

● КОМАНДИР(БОШЛИҚ)ЛАР ВА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ОРГАНЛАРИГА ТАВСИЯЛАР

САМАРАДОРЛИК — БОШ МЕЗОН

Тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари, шакл ва услублари.

Мустақиллик туфайли мамлакатимиз барча соҳалар бўйича жадал суръатда ривожланмоқда. Халқимиз, айниқса ёшлар дунёқараши, тафаккурида катта ўзгаришлар бўлаяпти. Жамиятимиз тараққий топар экан, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол, миллий истиқлол ғояси қалбида мужассамланган ҳақиқий ватанпарвар инсонларни шакллантириш, тарбиялаб етиштириш ишларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу талаб ҳарбий ислоҳотларнинг навбатдаги босқичига ўтган Қуролли Кучларимизга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Мамлакатимиз Президенти — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли китобида айтганидек, бугунги кунда замонавий армия хизмат қилиш учун жисмоний тайёргарлиқ ва нишонга бехато отишнинг ўзигина камлик қилади. Армия сафларидаги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим.

Бунинг учун ҳарбий соҳадаги маънавий тарбия ишларини тубдан яхшилашимиз, аскарларимиз, ҳарбий хизматчилар онгу тафаккурига миллий истиқлол ғояси тамойилларини чуқур сингдиришимиз керак.

Ҳарбий хизмат жараёнида ҳар бир ёш аскар билан алоҳида иш олиб боришимиз, уларни аввало, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби жасур аждодларимизнинг муносиб ворислари, она-Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз даркор.

Халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўлмиш Қуролли Кучларимизда тарбиявий ишларни ташкил этиш ҳамда олиб бориш бўйича ўтган йиллар мобайнида тўпланган муайян тажрибани замон талабларига тўла жавоб берадиган даражага етказишимиз, ҳарбий қисм ва муассасалар олдида турган вазифаларни сифатли ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшишига эришишимиз зарур.

Мудофаа вазирининг тегишли директиваларига мувофиқ, шахсий таркибнинг ватанпарварлиқ ва маънавий-ахлоқий тарбиясини миллий ғоя ҳамда халқимизнинг энг яхши анъаналари асосида шакллантириш, уларнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, қонунлар, ҳарбий Қасамёд, умумҳарбий Низомлар талабларига сўзсиз риоя этишлари учун тарбиявий ишлар органлари билан бирга, ҳарбий қисм ва муассасалар командир (бошлиқ)лари ҳам масъулдирлар.

Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари, ишчи-хизматчилари билан олиб борилаётган тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш барча даража ва лавозимдаги командирлар томонидан қўшинлар юксак жанговар шайлигини юксалтириш, ўқув-жанговар вазифаларни бажариш, оператив ҳамда жанговар тайёргарликни сифат жиҳатдан яхшилаш, қўшинларда ҳарбий ва меҳнат интизомини, қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти, деб қаралмоғи, тарбиявий ишлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, мамлакатимиз Президенти фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Мудофаа вазирининг тегишли директивалари, буйруқ ва кўрсатмалари асосида қатъий амалга оширилмоғи лозим. Қуйидагилар:

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

Т. Т. РИСҚИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БУЮК БРИТАНИЯ ВА ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯНИНГ БИРЛАШГАН ҚИРОЛЛИГИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тўхтапўлат Турсунович Рисқиев Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиянинг Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 июль.

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАРБИЙ СУДИДА

СУДЛОВ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судида 2003 йил ярим йиллик якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судларининг 2003 йилнинг биринчи ярмидаги хизмат фаолиятлари якунлари муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» ҳамда Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясидаги маърузаларидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий судлар олдидаги янги вазифалар белгиланди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар янги-янги вазифаларни қўймоқда. Ана шу ислоҳотлар моҳияти билан суғорилган ҳарбий судлар фаолиятини такомиллаштириш концепцияси бўйича муҳим ишлар қилинаяпти. Буни аввало Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари судьяларининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимларини, касб маҳоратларини ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлардан билиш мумкин.

Ҳисобот даврида ҳарбий судьяликка номзодлик захирасидагиларнинг, ҳарбий судларга сайланган халқ маслаҳатчиларининг, ҳарбий судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий-сиёсий онгини ва ҳуқуқий билимларини оширишга доир ўқув-семинар машғулотлари ўтказилмоқда.

Қуролли Кучлар тизимларида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида бу борадаги ишларни бевосита шахсий таркиб ҳузурида амалга ошириш ўз самарасини бермоқда. Ортда қолган олти ойда жиноят ишларининг қариб 78,5 фоизи сайёр суд мажлисларида, бевосита ҳарбий қисм шахсий таркиби ҳузурида ўтказилган.

(Давоми 3-бетда).

● В АКАДЕМИИ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ

Магистры в погонах

Спустя неделю выпускники Академии Вооруженных Сил нынешнего года в последний раз соберутся все вместе, чтобы наряду с дипломами об окончании этого престижного военного учебного заведения получить направление для дальнейшего прохождения службы. За два года, обогатив себя солидным багажом знаний, они займут значимые должности в воинских коллективах и поведут их к новым победам, новым достижениям. Ну а пока, успешно выдержав аттестационные испытания по оперативно-тактической подготовке, специализации, теории и практике строительства демократического общества в Узбекистане, иностранному языку, слушатели самым тщательным образом готовятся к завершающему этапу — защите магистерских диссертаций.

Понятие диссертации непроизвольно ассоциируется у нас с этакими учеными мужами, по нескольку лет корпящими над решением той или иной проблемы. Соответствует ли данное представление тому, над чем трудились выпускники? В определенной степени — да, поскольку магистерская диссертация в корне отличается от привычных дипломных проектов.

— Реформы, проводимые в Вооруженных Силах, — комментирует суть данного вопроса заместитель начальника Академии по воспитательной работе генерал-майор А. Камбаров, — в полной мере коснулись и сферы военного образования, которое обязано шагать в ногу со временем.

В связи с этим неизмеримо возрастает роль военной науки, и определенный вклад в ее развитие вносят наши слушатели, подтверждением

(Окончание на 2-й стр.).

● ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

В интересах расширения сотрудничества

Средства массовой информации продолжают комментировать итоги визита Президента Узбекистана Ислама Каримова в Польшу. И это естественно, потому что этот визит стал заметной вехой в расширении сотрудничества между Узбекистаном и Польшей, явился важным событием международной жизни, действенным инструментом реализации крупных масштабных задач мирового сообщества в деле обеспечения всеобщего мира и восстановления нормальной жизни в Афганистане и Ираке. По мнению обеих сторон, его отличали сугубый прагматизм и деловитость, глубокая оценка происходящих событий, умение видеть перспективу и настойчиво трудиться во имя будущего.

Визит главы нашего государства Ислама Каримова в Польшу состоялся по приглашению Президента Республики Польша Александра Квасьневского. Это стало логическим продолжением тех контактов руководства двух стран и того заинтересованного всестороннего сотрудничества, которое сложилось между двумя республиками. Ведь наши страны — и Узбекистан, и Польша — располагают огромными ресурсами — природными, человеческими, интеллектуальными. Потому вполне понятно стремление наших народов использовать это богатство в интересах дальнейшего развития.

С Польшей нашу страну связывает многолетняя история. В XIX веке восставшие против царской России поляки были высланы в наш край, который стал для них второй родиной. И в годы Второй мировой войны многие из репрессированных поляков также оказались в нашей стране и нашли здесь не только прибежище, но и взаимопонимание и заботу.

У Польши и ее многострадального народа богатейшая история и огромный вклад в развитие мировой цивилизации. Кто возьмется оспаривать ее достижения в мировой науке, литературе, архитектуре и искусстве? Вряд ли найдется такой человек.

Сегодня у Польши свой путь развития, на котором она добилась огромных успехов. Валовой внутренний продукт этой страны превышает 200 миллиардов долларов. Польша занимает передовые позиции по производству многих видов промышленной продукции, в частности по производству меди, угля, серы, цемента, чугуна, телевизоров, грузовых и легковых автомобилей. Она проводит активную внешнеполитическую деятельность, готовится к вступлению в НАТО и Европейский Союз.

(Окончание на 3-й стр.).

Минтақавий семинар

Тошкент вилояти ҳокимлигида «Гиёҳвандлик — XXI аср вабоси» мавзуида минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Анжуманда гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммолар бугунги кунда жаҳондаги барча давлатлар, жумладан, Марказий Осиё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ўсиб келаётган ёшлар саломатлиги, баркамол ривожи йўлида жиддий хавф тутдираётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонуни бундай муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш, бу дардга мубтало бўлганларни даволаш ва ижтимоий реабилитация қилиш, аҳоли ўртасида, ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларида тушунтириш ишлари олиб бориш бўйича аниқ ва мақсадли тадбирлар амалга оширилаётир.

Семинар-кенгашда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Сайёрамиз садоси • Пульс планеты

На склонах Эльбруса обнаружены тела четырех альпинистов, погибших несколько лет назад. Об этом сообщил начальник Эльбрусской поисково-спасательной службы МЧС Борис Тилов.

Палатка с их телами была обнаружена спасателями ПСС на северном склоне Западной вершины Эльбруса (5642 м над уровнем моря) в ходе поисков двух канадских и польского альпинистов, пропавших в горах за последний месяц.

***

Организация «Международная амнистия» призвала США отменить смертную казнь в отношении лиц, совершивших тяжкие преступления в подростковом возрасте. «Практически все страны мира признали недопустимыми казни подростков, совершивших преступления, однако в США до сих пор существует такая практика», — заявила представительница организации. В докладе организации говорится, что за последние 10 лет 13 из 20 смертных приговоров за преступления, совершенные подростками, приведены в действие в США, причем пять из них в последние 18 месяцев.

***

Президент Сирии Башар Асад готов возобновить мирные переговоры с Израилем. Об этом сообщил журналистам представитель ООН на Ближнем Востоке, координирующий процесс мирного урегулирования. «Президент сам сказал мне, что возвращение за стол переговоров отвечает национальным интересам Сирии», — заявил представитель ООН. Несколькими днями ранее сирийские газеты также сообщили о возможном возобновлении мирных переговоров, которые были прекращены три года назад. Основным предметом разногласия стали Голанские высоты, некогда являвшиеся территорией Сирии, которые Израиль захватил в 1967 году.

***

ООН начала присваивать находящимся в Ираке палестинцам статус беженцев, включая тех, кто покинул свои дома после свержения режима Саддама Хусейна. По данным ООН, сейчас в Ираке находятся около 80 тысяч палестинских беженцев. В основном, они приехали в Ирак в поисках работы в ходе миграционных волн в 1948, 1967, 1973 и 1991 годах.

При Саддаме Хусейне палестинцы имели все права иракцев, за исключением гражданства, так как иракские власти настаивали на их возвращении на родину.

***

В результате нападения неизвестных на американский конвой в Багдаде был убит американский солдат. С учетом этого, по числу жертв среди военнослужащих США операция по свержению режима Саддама Хусейна перерала войну в Персидском заливе 1991 года, в которой Америка, по официальным данным, потеряла 147 человек.

С учетом результатов произошедшего нападения, общее число американских солдат, погибших в ходе операции по смене политического режима в Ираке, достигло 148.

***

В ходе визита в Каир глава МИД России подписал меморандум между Россией и Египтом о безвизовых поездах. Иванов также отметил, что важной сферой сотрудничества между Россией и Египтом является туризм.

«На сегодняшний день Россия занимает третье место по числу туристов, посещающих Египет. Более 350 тыс. российских граждан посетили Египет в прошлом году в качестве туристов», — сказал Иванов.

***

Глава Афганистана Хамид Карзай объявил о создании совета, который в этом году должен одобрить новую конституцию страны. Совет, или лойя джирга, будет состоять из 500 членов.

В постановлении Карзая говорится, что 450 членов совета будут избираться, 50 — назначаться. В совет будут входить 64 женщины. Также Карзай отметил, что конституция будет опубликована 1 сентября текущего года.

(По страницам Интернета).

САМАРАДОРЛИК—БОШ МЕЗОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

— шахсий таркибни ватанпарварлик, ўз халқи ва Ватанига садоқат, муҳаббат, Ўзбекистон Республикасини ҳатто ўз ҳаётини ҳам аямасдан ҳимоя қилишга шайлик руҳида тарбиялаш;

— ҳарбий хизматчиларда миллий истиқлол ғоясини, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари, мамлакатимиз Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари, ҳарбий Қасамёд талаблари, командир ва бошлиқлар буйруқларини бажаришда юксак масъулиятни шакллантириш;

— жанговар ва сафарбарлик тайёргарлиги, жанговар навбатчилик, жанговар ва оператив тайёргарлик масалаларида маънавий-руҳий устуворликни таъминлаш, шахсий таркибда жанговар техника ҳамда қурол-аслаҳаларни, уларни қўллаш усулларини яхши ўзлаштириш, ҳарбий ва халқ мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш учун масъуллик ҳиссини тарбиялаш;

— шахсий таркибда хизмат мажбуриятларини ўташда юксак маънавий-жанговарлик ва руҳий сифатларни, ҳушёрлик, ҳалоллик, поклик туйғуларини шакллантириш;

— юксак ҳарбий интизом ва ҳуқуқий тартибот, ҳарбий хизмат хавфсизлиги учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни жанговар биродарлик, сафдошлари қадр-қимматига, ор-номусига ҳурмат руҳида тарбиялаш;

— ҳарбий хизматчилар тафаккурини ҳар томонлама шакллантириш, уларнинг маданий савиясини ошириш тарбиявий ишларнинг асосий масалалари деб қаралмоғи даркор.

Ҳарбий хизматчилар билан тарбиявий ишлар қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

1. Ватанпарварлик тарбияси.
2. Маънавий-ахлоқий тарбия.
3. Ҳарбий тарбия.
4. Ҳуқуқий тарбия.

Ушбу масалаларни амалга ошириш ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, маънавий-руҳий тайёргарлик, ижтимоий-ҳуқуқий, маданий-маърифий ишлар, ахборот таъминоти бўйича ташкилий фаолиятга мувофиқлаштирилиши, асосий эътибор тарбиявий ишларнинг аксарият қисмини взвод (батарея, эскадрилья)да олиб боришга қаратилмоғи лозим.

Тарбиявий ишлар органлари томонидан тарбиявий ишларни юксак даражада ташкил этиш, барча командир (бошлиқ)ларнинг ўз қўл остидагиларни тарбиялашда шахсан иштироки, жамоада қатъий низомий тартибни сақлаш, оператив, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларини тарбиявий йўналишга қаратиш, ҳарбий таомилларга риоя қилиш, ҳарбий хизматчиларга таъминот турлари ва нормаларини тўла етказиш, қўл остидагиларга нисбатан юксак талабчанликнинг ҳарбий хизматчилар шахсига, қадр-қимматига эҳтиром, улар эҳтиёжларига, талабларига эътибор билан уйғунлиги — тарбиявий ишларни амалга оширишнинг муҳим шартларидир.

Юксак жанговарлик ва сафарбарлик тайёргарлиги, ўқув-жанговар вазифаларни аъло даражада бажариш, касбий маҳорат, ҳарбий жамоалардаги юксак ҳарбий интизом, мустаҳкам низомий тартиб, соғлом маънавий-ахлоқий муҳит — тарбиявий ишлар самарадорлигининг мезонлари ҳисобланади. Тарбиявий ишларни миллий ва руҳий ўзига хосликлар, халқ урф-одатлари, анъаналари, ҳарбий хизматчиларнинг хизмат мавқеи, билим даражаси, уларнинг динга муносабатини инобатга олган ҳолда юргизиш талаб этилади.

Маънавий-руҳий ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот-тарбиявий ва маданий-маиший ишлар, қисм жамоатчилиги ва фаоллари билан ишлаш, якка тартибдаги тарбиявий ишлар, давлат ҳокимияти (маҳаллий ўз-ўзини бошқарув) органлари, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар билан ўзаро ҳамкорликни ташкиллаштириш, телекўрсатув, радиоэшиттириш ва қўшин матбуоти воситаларини, таълим-тарбия ва ахборотнинг техник воситаларини ишлатиш — тарбиявий ишлар олиб боришнинг асосий воситаларидир.

Тарбиявий ишларни ҳар бир офицернинг бошқарув фаолиятида, хизмат ва махсус мажбуриятлари ижросида устувор йўналиш, деб қараш ҳамда ушбу фаолиятнинг туб моҳияти — ҳар бир командир (бошлиқ) ўз қўл остидагиларни тарбиялайди, деган қоидадан иборат бўлмоғи лозим.

Барча даражадаги командир (бошлиқ)лар, мансабдор шахсларнинг шахсий таркибни тарбиялаш бўйича вазифаларни тўла ҳажмда бажарилишини таъминлашлари, тарбиявий ишларни шахсан ташкил этишлари ва унга раҳбарлик қилишлари, ўтказилаётган тадбирлар сифатини назорат қилишлари, тарбиявий ишларни таҳлил этиб, якунига кўра уни такомиллаштириш чораларини белгилашлари жуда муҳим аҳамият касб этади.

Тарбиявий ишларнинг бевосита ташкилотчиси ҳисобланмиш қўмондонлар, командир (бошлиқ)ларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари асосий йўналишлар бўйича аниқ тадбирлар режалаштиришлари ва белгиланган муддатларда ўтказишлари, қўшинларни бошқарув органлари бўлимлари ва мансабдор шахслари фаолиятини тарбиявий ишлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштиришлари, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни ташкиллаштириб, ишга янгича ёндашув, самарали шакл ва услубларни излаб топишлари керак.

Тарбиявий ишлар ҳарбий округларда — бир ўқув йилига, ҳарбий қисм ва муассасаларда — ўқув мавсуми вақтига, олий ҳарбий билим юртларида — ўқув йили давригa, барча бўлинмаларда (батальондан тортиб гуруҳгача) — ойлик, дам олиш куни олди (байрамолди) ва дам олиш куни (байрам) тарзида режалаштирилади. Шунингдек, Мудофаа вазири буйруқлари, директивалари талаблари, жанговар тайёргарликнинг алоҳида топшириқларини бажариш, тарихий саналарни нишонлаш, ҳарбий таомилларни ўтказиш бўйича ҳам режалар тузилиши лозим.

Режаларда шахсий таркибни маънавий-ахлоқий жиҳатдан, ватанпарварлик руҳида, ҳарбий ва ҳуқуқий тарбиялаш бўйича тарбиявий ишлар тадбирлари, бўлинма фаоллари, қисм жамоатчилиги, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш масалалари кўзда тутилиши лозим. Кун тартиби ва машғулотлар жадвалида ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, радио эшитиш ва телевизор кўриш, ойлик жадвал асосида тарбиявий, маданий дам олиш ҳамда оммавий-спорт ишларининг ўтказиладиган вақти кўрсатилади.

Тарбиянинг муҳим усули бўлган ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларининг услубий ҳамда ўқув-моддий базаси мунтазам такомиллаштириб борилиши, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимлар ягона кунлари ҳар ойда мунтазам ўтказилиши, ушбу тадбирларда ҳарбий қисм ва муассасалар командир (бошлиқ)лари албатта қатнашишлари даркор.

Ҳарбий қисмлар ва олий ҳарбий билим юртларида — ҳар кварталда, батальонларда — ҳар ойда икки мартадан кам бўлмаган ҳолда, взводларда — ҳар ойда ҳарбий қисмлар раҳбарияти иштирокида савол-жавоб кечалари ўтказилади, ҳарбий хизматчиларнинг таклиф (мурожаат)ларини амалга ошириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўрилади, қабул қилинган қарорлар тўғрисида шахсий таркиб ўз вақтида хабардор этиб борилади.

Сержантлар билан тарбиявий ишлар олиб борилганда, уларнинг ҳарбий жамоада дарғалик ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиш, улар билан шахсий таркибни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича ҳар ойда икки марта махсус машғулотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муддатли ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар, офицерлар ҳамда улар оила аъзоларининг кутубхоналарнинг фаол аъзолари бўлишига эришиш, китобхонлар конференциялари, тарихий, ижтимоий-сиёсий, бадиий адабиётлар муҳокамаси ва шарҳини ўтказиб туриш тажрибасини кенг қўллаш тарбиявий ишлар муҳим жиҳатларидан биридир.

Қисм фаолларини тарбиявий ишлар тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиш амалиёти ҳамда услубиётига ўргатиш қуйидагича амалга оширилади:

— взвод фаоллари билан — ҳар ҳафтанинг шанба кунлари;

— батальон фаоллари билан — ҳар ой тўртинчи ҳафтасининг шанба куни;

— ҳарбий қисм фаоллари билан — ҳар кварталда бир кун.

Тарбиявий ишлар учун ажратилган молиявий маблағларни қатъий мақсадли тарзда амалга ошириш, биринчи навбатда газета ва журналлар, бадиий ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ўтказиш учун материаллар сотиб олиш, тарбиявий ва маданий дам олиш тадбирларини ташкил этиш учун сарфлаш талаб қилинади.

Округ ва гарнизонлар, офицерлар уйлари, ҳарбий қисмлар (олий ҳарбий билим юртлари) клубларида маданият университетлари, бадиий ҳаваскорлик театрлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тасвирий студиялар, халқ ижодиёти тўгараклари ташкил этиш, уларнинг имкониятларидан ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳарбий шаҳарчалар ҳудудлари, казармалар, шахсий таркиб жанговар хизмат ўтайдиган ва дам оладиган жойларда кўргазмали ахборотга кенг ўрин бериш, давлат ва ҳарбий рамзлар, Қуролли Кучлар, ҳарбий қисмлар тарихи ҳамда жанговар анъаналари, ҳарбий қурилиш масалалари бўйича меъёрий ҳужжатлар тарғиботига катта эътибор қаратиш лозим.

Тарбиявий мақсадларда деворий газеталардан самарали фойдаланиш, чунончи, деворий газеталар, фото ва ҳажвий газеталар ҳар ойда камида бир марта чиқарилиши, дала-ўқув машғулотлари, машқлар, жанговар навбатчиликни ўташ ва жанговар отиш чоғида ҳар куни «Жанговар варақа» ёки «Чақмоқ» чиқарилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳарбий хизматчилар, айниқса муддатли хизматдаги аскарлар билан якка тартибда тарбиявий ишлар олиб бориш тажрибасини мунтазам такомиллаштириб бориш, бу фаолиятга шахсий таркиб тарбиявий ишларининг асосий омили, деб қараш лозим. Офицерлар ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ички хизмат низоми талабларига мувофиқ қўл остидагиларнинг хусусиятлари, ўзига хос жиҳатларини чуқур билишлари, педагогик дафтар юргизишлари, унда қўл остидагиларнинг ижтимоий-демографик маълумотлари, алоҳида ўтказилган суҳбатлар, уларнинг ҳарбий жамоадаги хатти-ҳаракатлари, интизоми тўғрисидаги қайдлар акс эттирилиши, тарбиявий ишларнинг услуб ва йўналишлари танланаётганда ҳарбий хизматчиларнинг ўзига хослиги, билим даражаси характери ва хатти-ҳаракати йўналиши ҳисобга олиниши даркор.

Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

„ҲАЁТДАН АНГЛАДИМ ҚУТЛУҒ НЕЪМАТНИ"

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Хўш, Мустақилликни мустаҳкамлашга ўзингиз қанчалар улуш қўшяпсиз?

— Конституциявий бурчимни шараф билан ўташга уринаётганимнинг ўзи саволингизга жавоб. Командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Асқар Дониев биз посбонларга доимо уқтиради. «Ҳар куни бугун мустақил юртим учун нима қилишим керак, кун якунланаётганда, нима қилолдим, дея ўзўзингизга савол беринг», деб. Жамоамиз посбонларининг жанговар ютуқларга эришишида бу ақида муҳим бўлмоқда. Агар зарур бўлса, мустақиллик ҳимоясига кўксимни қалқон қиламан.

— Истиқлолга тенгдош эмассиз, лекин барибир мустақиллик йилларида ўсиб-улғайдингиз. Давр онгингизга қандайдир ўзгаришлар содир қилдими?

— Шукрки, бизга фараҳбахш кунлар насиб этди. Истибдод зулмида, эски тузум таъсирида эзилган, камситилган, қатағон қилинганлар ҳақида фақат маълумотлардан, тарихдан билиб олаяпмиз. Аввало биз ёшлар бу ёруғ кунларнинг қадрига етмоғимиз лозим. Давр буюк аждодларга, уларнинг маънавий меросига ҳурмат ҳиссида бизни тарбияламоқда. Қолаверса, Ватандан фахрланиш, унинг номини дунёга ёйишни ўргатмоқда. Юртбошимиз айтганларидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам.

Капитан Алижон САФАРОВ ёзиб олди.

МАГИСТРЫ В ПОГОНАХ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

чему и служат подготовленные ими диссертации. Если ранее только незадолго до выпуска им предоставлялись темы дипломных работ, которые в большей степени походили на расширенные рефераты, то теперь уже в начале обучения офицеры определяются с выбором темы и на протяжении всего этого времени ведут ее разработку, где в обязательном порядке присутствует исследовательская деятельность, научная обоснованность тех или иных жизненно важных моментов. Такая кропотливая работа призывает слушателей Академии к творческому поиску, к расширенному анализу, что заметно расширяет их кругозор, повышает уровень интеллекта, делает их людьми высокообразованными, способными мыслить широкомасштабно и пространственно. А все эти качества для будущих командиров частей, командующих округами, офицеров-воспитателей необходимы как воздух.

В правоте этих слов воочию убеждаешься, когда поближе знакомишься с научными трудами слушателей. Майор Х. Дадабаев, к примеру, основательно поработал над темой «Обобщение и анализ направлений повышения устойчивости оперативной и тактической обороны по истории войн», майор М. Умаров стремился максимально раскрыть вопрос по выбору оптимальных форм и способов применения мотострелковой части в военном конфликте. Согласитесь, темы довольно обширные, но, по мнению преподавателей, слушатели сумели справиться с поставленной задачей.

— Отрадно, что наши выпускники, — говорит начальник кафедры общей тактики и оперативного искусства генерал-майор Ш. Каюмов, — в своих трудах использовали не только ранее известные факты, но и тщательно проанализировали тактику действий войсковых группировок в военных операциях в Афганистане, Ираке. Как известно, обобщенных материалов на сей счет еще маловато, но офицеры умело использовали интернетовскую сеть, по крупице отбирая сведения.

Хорошим подспорьем в организации и проведении воспитательной работы в частях послужат и диссертации подполковника Д. Мамаджанова, майора А. Расульмухамедова. Вкратце раскрывая их суть, ВрИД начальника кафедры психолого-педагогических и правовых проблем воинского воспитания полковник Р. Абдуллаев отметил, что они несут в себе много нового, и что должно быть непременно востребовано как в случае ведения боевых действий, так и в повседневной жизни.



Хорошие отзывы прозвучали в адрес офицеров А. Алимова, О. Ибадуллаева, П. Фокина, Р. Сагитова и на кафедре управления войсками и служб штабов.

— Мы спокойны за наших слушателей, — говорит заместитель начальника кафедры полковник К. Турдалиев, — уровень их знаний и практических навыков, которые они умело применят на практике и которые принесут немало пользы, очень высок.

Что ж, теперь, как говорится, дело за малым — слушателям осталось лишь удачно защититься и тем самым доказать, что даром времени они не теряли.

Впереди у выпускников Академии насыщенные ратные будни боевой учебы. Правда, не все они окунутся в круговерть этой жизни. Некоторым из них оказана высокая честь—продолжить обучение в адъюнктуре, которая с нынешнего года открывается в этом учебном заведении, что свидетельствует еще об одном важном шаге на пути реформирования военного образования.

Подполковник Ярослав КОРУКА.

На снимке: **выпускник Академии подполковник О. Ибадуллаев.**

Фото **Александра МРУЧАКА.**

ПОК НИЯТЛИ ПОСБОНЛАР

Маълумки, ҳар бир посбон ҳарбий Низомлар қоидаларига пухта амал қилиши ва қўйилган вазифани бекаму кўст, ўз вақтида бажариши лозим. Оддий аскар Илҳом Тожиев ҳам доим бунга қатъий риоя этди. Албатта, бир оз қийинчиликларга ҳам дуч келди. Аммо тажрибали офицер ва кичик командирлари кўмаги билан тез орада фаоллашиб, кўникиб кетди. Бу ерда унинг тиришқоқлиги ва иродалилиги ҳам катта ўрин тутди.

Ҳозирги кунга келиб эса Илҳомнинг ўзи ҳам кичик командир. Ўзига аввалларги қандай таълим беришган бўлса, у ҳам қўл остидаги йигитларга шундай таълим-тарбия бермоқда. Бўлинмадаги ҳар бир аскарнинг қобилияти ва характерини яхши биларди. Барчага бирдай талабчан ва ғамхўр. Шу боис ҳам уни ҳурмат қилишади. Унинг буйруқ ва кўрсатмаларини доимо қойилмақом бажаришга интилишади.

Кичик сержант Илҳом Тожиев бошчилик қилаётган аскарлар жанговар тайёргарлик, тартиб-интизом, Низом қоидаларига тўла амал қилиш борасида ҳам ҳамиша олдингилар қаторида. Бунда, албатта, ўз ишини пухта билган йигитлардан ҳам шуни талаб қиладиган етакчи кичик командирнинг хизматлари беқиёсдир.

Кичик сержант Илҳом Тожиев шу давргача бўлган хизмати давомида командирларининг топшириқ ва кўрсатмаларини ўз вақтида бажариб, улар ҳурматини қозониб келяпти. Ўз касбининг моҳир устаси кичик сержант И. Тожиев ёзги мавсум ўқув машғулотларида ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

— Айниқса, ҳозирги ўқув машғулотлари қизғин олиб борилаётган паллада, — дейди взвод командири лейтенант А. Йўлдошев, — сержант ва аскаларимизнинг уюшқоқлик ва юксак тартиб-интизом билан вазифаларни мукаммал бажариб келаётганликлари яхши кўрсаткичларга эришишимизда муҳим омиллардан ҳисобланмоқда.

Бизнинг ёрдамчимиз бўлган кичик командирларимиз ёш укаларига жанговар маҳорат сирларини қунт билан ўргатиб келишмоқда. Кичик сержант Илҳом Тожиев ҳам шулар жумласидандир. Ўзининг меҳнатсеварлиги билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Ҳар бир топширилган вазифа юзасидан ишбилармонлик билан оқилона ҳаракат қилади.

Кичик командирларимиз — А. Тошпўлатов, А. Ўринов ва оддий аскар А. Ражаббоев каби посбонлардан биз командирларнинг кўнглимиз доимо тўқ. Чунки улар офицер-командирлар ишончини шараф билан оқлаётган ёрдамчилар.

Ҳа, тартиб-интизом, итоатгўйлик, ўз хизмат мажбуриятларини дилдан ҳис қила билишлик Ватан ўғлонлари — мард йигитларимизнинг кундалик шиорларидир. Улар Ватанга, халққа содиқлик ҳақидаги ичган онтларини ҳамиша ёдда сақлайдилар. Доимо ўзларига билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилиб, ота-оналари, яқинлари, ёру биродарлари олдига ёруғ юз билан, ҳақиқий хизматда тобланган йигитлар бўлиб қайтишни мақсад қилиб қўйганлар.

Лейтенант Ҳасан МИРЗАЕВ, «Ватанпарвар» мухбири.



Назарий ва амалий машғулотлар, навбатчиликлар давомида ҳарбий жамоанинг аҳиллиги, уюшқоқлиги, касбий маҳорати ошади. Бу табиий бир нарса. Аммо посбонинг тайёргарлик даражаси, савияси янада юксалишида кундалик инструктажлар, йўл-йўриқлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Офицер қанчалик тажрибали, билимли бўлса, кўзланган натижа ҳам шунча юксак бўлади.

Қисм командирининг қурол-аслаҳа бўйича ўринбосари подполковник Боир Матқосимов (ўнгда) айни ҳақиқатни жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам у имкон топди дегунча посбонлар билан яқин мулоқотга киришади. Айниқса, кундалик навбатчиликлар олдидан, албатта тегишли йўл-йўриқ ва кўрсатмалар беришга ҳаракат қилади. Қоровуллик хизматини намунали тарзда ўташ, жанговар техникалар, қурол-аслаҳаларни юксак талаблар даражасида сақлаш, ҳимоя қилиш посбон учун шарафли бурч, мажбурият эканлигини эслатиб боради.

Александр МРУЧАК олган сурат.

Сўзининг устидан чиқди

Жабборали бир сўзли йигит. У нафақат бировга ваъда берганда, балки бирор бир ишни кўнглига тугган бўлса ҳам албатта амалга оширади. Ўз мақсадига эришиш учун тинимсиз ҳаракат қилади.

У йигитлик бурчини ўташ учун муддатли ҳарбий хизматга боришни, аскар бўлишни болалигидаёқ кўнглига тугган эди. Мана, бугун у ўз орзусига етди.

Аввал Наманган муҳандислик иқтисодиёт институтининг молия кредит факультетига ўқишга кирди. Қунт билан билим олиб, ўқишни муваффақиятли тугатди.

Мана 8 ойдирки, оддий аскар Жабборали Усмонов майор Равшан Хўжанов командирлик қилаётган алоқа батальонидаги радиоалоқачи гуруҳида катта механик вазифасини бажариб келмоқда.

Аскар йигит учун армия кўп нарсани ўргатганини унинг ўзи ҳам таъкидлайди.

— Тўғри, мен талаба бўлиб мустақил ҳаётни кўрдим, дунёқарашим кенгайди, аммо ҳарбий соҳа сирларини мукаммал ўрганиш менга бутунлай янгилик бўлди, — дея кувониб гапираркан дилидаги яна бир гапини биздан яширмади, — Радиоалоқачилик мен учун янги мутахассислик бўлди. Бу соҳани ҳам яхшигина ўзлаштирдим, айниқса жанговар техника билан танишув менинг ёшликдаги орзуим эди.

Хизматдаги вазифаси — радиоалоқачиликни аъло даражада бажараётганлигини, ўз иши билан барча аскарларга ўрнак бўлаётганини унинг дўстлари айтиб қолишди.

Батальон командири майор Р. Хўжанов ҳам Жабборалидан мамнун.

— Оддий аскар Жабборали Усмонов теран фикрлайдиган, дунёқараши кенг йигит, алоқа соҳасини жуда тез ўзлаштирди.

Жабборали ва сафдошларининг алоқани таъминлашдаги хиссалари катта бўлмоқда. Бу йигитлар ёзги ўқув машғулотларида юқори натижаларни қўлга киритишга аҳд қилишган. Біз бу йигитларга ишонамиз. Улар сўзининг устидан чиқишади, — дейди у.

Анвар ЮСУПОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Военно-политические новости

«ОСТАНОВИТЬ УБИЙЦ»

В Наблусе около 500 палестинцев провели демонстрацию против насилия после того, как при взрыве погибли молодая мать и подросток. Демонстранты держали в руках плакаты с требованием «остановить убийц».

Несмотря на то, что демонстрации против израильской оккупации проводятся на Западном берегу и в секторе Газа почти ежедневно, акции протеста, направленные против палестинцев, редки.

НЕ УСПЕЛ ПРОДАТЬ...

Сотрудниками управления военной контрразведки КГБ Белоруссии при попытке продажи сведений, составляющих служебную тайну, в Бресте задержан бывший военнослужащий Государственного комитета пограничных войск республики. Об этом сообщили в пресс-группе управления военной контрразведки КГБ Белоруссии.

По данным КГБ, в период прохождения службы задержанный переписал часть информации, затрагивающей деятельность 86-й погрангруппы, и после увольнения в запас «через свое окружение предпринял ряд попыток по поиску потенциальных покупателей информации».

ТРИ МЕСЯЦА

У США осталось три месяца, чтобы полностью взять под контроль ситуацию в Ираке, иначе страна может погрузиться в хаос. К такому выводу пришла комиссия из пяти экспертов, которая была созвана министром обороны США Дональдом Рамсфельдом, чтобы оценить послевоенную ситуацию в Ираке.

В 15-страничном докладе комиссии говорится, что следующие три месяца станут решающими в решении вопроса обеспечения безопасности в Ираке.

ЖЕРТВ НЕТ, ОДНАКО...

Около 12 тыс. боеприпасов собрано в районе взорвавшегося арсенала Тихоокеанского флота в Приморье. Об этом сообщили в пресс-службе флота. Работы по поиску и сбору боеприпасов продолжаются весь световой день. Ночью 12 июля в поселке Таежный в хранилище, в котором находились артиллерийские и реактивные снаряды, произошел взрыв и пожар. В результате уничтожено около 70 условных вагонов снарядов. Жертв нет. Пострадали 27 человек, 7 из них госпитализированы. 1 тыс. 800 человек были эвакуированы. Разрушено, по разным данным, от 30 до 50 дачных строений, сгорело несколько автомашин.

ПАРТИЗАНСКАЯ ВОЙНА

Как заявил глава Центрального командования США генерал Джон Абизаид, командующий американскими войсками в Ираке, в стране ведется классическая партизанская война сторонников Саддама Хусейна, и американцы должны выработать определенную тактику, чтобы подавить это организованное сопротивление.

«Описание этого как тактики партизан, направленной против нас, является наиболее подходящим, используя военные термины», — сказал Абизаид. Также он отметил, что американские войска по всему Ираку борются с «пережитками» партии «Баас».

(По страницам Интернета).

Шерободнинг шерюраги

Тактик-ўқув машғулотлари давом этмоқда. Артиллериячиларга ҳам ўзига хос вазифа юкланган. Катта лейтенант Шуҳрат Салимов етакчилигидаги батарея шунқорлари шартли душман шиддаларини бартараф этиб, жангчиларимизнинг олга ҳаракатланишини таъмин этмоғи лозим. Мазкур машғулотда айниқса катта мўлжалга олувчи вазифасини бажарган оддий аскар Адҳам Ўнғбоев фаол қатнашди. Мўлжалга ола билишда гап кўп. Нишон узоқлиги, унинг бурчакларини аниқ ҳисоблаш кабилар муҳим аҳамият касб этади. Хуллас, назарий машғулотларни пухта эгаллаган, полигонда ҳам кўп бора муваффақият қозонган посбон учун бу — навбатдаги машқ қийинчилик туғдирмади. Нишонга бехато ургани учун унга қисм командири томонидан Фахрий ёрлиқ берилди.

Ливҳамиз қаҳрамони Сурхондарёнинг Шерободидаги Қизилолма қишлоғидан. «Қизил олмалар кўп бўлса керак», дейман қишлоқ номига шаъма қилиб.

— Албатта, шу боис ҳам қишлоғимиз Қизилолма-да. Тоғли ҳудуд бўлгани учун олмалари ҳам зўр бўлади. Мана, бир йилдан зиёдроқ вақт давомида қишлоғимдан олисдаман. Аммо тез-тез хат ёзаман. Айниқса, ота-онамга қисм командири номидан миннатдорчилик мактуби жўнатилгандан сўнг қишлоғимизда дув-дув гап бўлибди. Буни яқинларимнинг фахр, ғурур ҳисси билан суғорилган хатидан билдим, — дейди оддий аскар.

Жанговар дўстлик ҳақида гап кетганда устоз-офицерлар Адҳам ва ўртоқларини кўпинча намуна қилиб кўрсатишади. Оддий аскарлар — Саттор Хўжақов, Мусурмон Арабовлар Адҳамнинг энг яқин сафдош дўстлари. Улар ҳар қандай вазиятда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлашади. Ҳатто учаласи ҳам шартнома бўйича хизматни давом эттиришни дилларига тугиб қўйишган. Аслида бу уч ўғлонни спорт бир-бирига боғлади. Масалан, оддий аскар Ўнғбоев миллий кураш билан шуғулланади. Жамоасида бу спорт тури бўйича унинг олдига тушадигани йўқ.

Айни кунларда артиллериячилар жамоаси навбатдаги дала-ўқув машғулотига ҳозирлик кўришаяпти. Жанговар техника, қурол-аслаҳа машғулотга шай. Хўш, лавҳамиз қаҳрамонининг тайёргарлиги қандай?

— Командирларимизнинг айтишича, мазкур машғулот жамоамиз учун мустақиллиқнинг 12 йиллиги олдидан бўладиган муҳим машқ экан. Демак, энг улуғ байрамга ким қанақа туҳфа ҳозирлаганини ҳам бундан билиш мумкин. Ушбу мавсумда назарий билимларимни янада мустаҳкамладим. Бўлажак машғулотга орудиямиз жанговар шай. Маҳоратимиз синовдан ўтадиган полигонда кўзлаган ниятимизга етамиз. Яъни, яхши ва аъло баҳоларни қўлга киритиб, шу билан Ватаннинг, истиқлолнинг асл ҳимоячиси эканлигимни исботлайман, — деди, жумладан у.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

● В ВООРУЖЕННЫХ СИЛАХ УКРАИНЫ

С ГУМАНИТАРНОЙ МИССИЕЙ

В городе Каменец-Подольский на базе Центра разминирования вооруженных сил Украины проходит подготовка специалистов-саперов, которые войдут в состав 5-й отдельной механизированной бригады и будут принимать участие в налаживании мирного процесса в Ираке.

Посетивший недавно Украину Председатель Объединенного комитета начальников штабов вооруженных сил США генерал Ричард Майерс отметил, что военнослужащие Украины имеют огромный опыт участия в миротворческих операциях.

— Я считаю, что привлечение опытных украинских военнослужащих-миротворцев к выполнению задач по поддержанию стабильности и безопасности в Ираке — замечательный шаг к укреплению авторитета Украины не только в регионе Персидского залива и Ближнего Востока, но и во всем мире, — подчеркнул генерал Р. Майерс в ходе встречи с министром обороны Украины генералом армии Владимиром Шкидченко.

Глава украинского военного ведомства проинформировал генерала Р. Майерса о ходе подготовки личного состава 5-й отдельной механизированной бригады, которая должна принять участие в налаживании мирного процесса в Ираке. Он подтвердил, что бригада имеет все возможности выполнить поставленные задачи в автономном режиме и выразил благодарность генералу Р. Майерсу за полное решение всех вопросов обеспечения деятельности 19-го отдельного батальона радиационной, химической и биологической защиты вооруженных сил Украины, выполняющего гуманитарную миссию в Государстве Кувейт.

По словам министра обороны Украины, его министерство твердо идет путем реформ, в частности, в вопросах перехода к гражданскому военному ведомству, решительного сокращения численности армии, настроено на плодотворное сотрудничество с Североатлантическим альянсом и вступление Украины в эту организацию.

В программе подготовки специалистов-саперов, 41 из которых войдет в состав 5-й отдельной механизированной бригады, а 187 заменят в ходе очередной ротации своих коллег из 3-го отдельного инженерного батальона вооруженных сил Украины в Ливане, учтен многолетний опыт, приобретенный в ходе ликвидации взрывоопасных предметов, оставшихся со времен Второй мировой войны, а также в Южном Ливане и других «горячих точках» мира.

Все они прошли конкурсный отбор и совершенствуют свое боевое мастерство по специально разработанной программе, отвечающей требованиям международных стандартов по разминированию. Учебный процесс находится под личным контролем начальника инженерных войск Украины полковника Вадима Кузнечного.

Завершится подготовка комплексным экзаменом, в ходе которого будет проверяться как уровень индивидуальной подготовки военнослужащего, так и его умение действовать в составе подразделения. По итогам экзамена ему будет присвоен соответствующий уровень квалификации и вручены специальные удостоверения, которые и станут своеобразным допуском к выполнению задач по разминированию местности в Ираке и Ливане.

Подготовил В. КАЛОШИН.

По материалам, предоставленным Посольством Украины в Республике Узбекистан.

● К 12-ЛЕТИЮ НЕЗАВИСИМОСТИ УЗБЕКИСТАНА

«НАМ РОДИНОЙ СТАЛ УЗБЕКИСТАН»

В народе говорят: «Кто поделился с сиротой, тот стал богаче». Если так, то Узбекистан — одна из богатейших стран в мире. Более 3 миллионов спасенных от голода, нищеты и обездоленности юных жизней на благородном счету нашей республики. Еще в начале 20-х годов она приняла и воспитала около 30 тысяч детей из голодающего Поволжья. А во Вторую мировую хлеб и кров получили здесь свыше 250 тысяч мальчиков и девочек, которых осиротила война. Часть из них взяли на воспитание семьи, а многие были обогреты вниманием и любовью наставников из детских домов.

Сегодня такие учреждения называются домами милосердия. Именно это качество, издревле присущее народу Узбекистана, позволило вырастить ему немало лишенных родительского тепла детей, среди которых — представители более 150 национальностей из России, Украины, Беларуси, Молдовы, Прибалтики, Дальнего Востока, Польши, Испании, Греции. Примечательно, что имена многих из них нынче знают не только в нашей стране, но и за ее пределами. Благодаря полученному воспитанию — не только общеобразовательному, но и нравственному, — они обрели возможность творчески реализовать свои, данные природой, способности, и сегодня с большой благодарностью вспоминают своих наставников.

«Наш Узбекистан» — так называется Общество выпускников домов милосердия, созданное при Международном неправительственном благотворительном фонде «Соглом авлод учун». Задача нового общества — объединить людей, чье детство прошло в этих учреждениях в разные годы, и направить их усилия на воспитание подрастающего поколения независимого Узбекистана.

— Мы хотим помочь детям, оставшимся без родителей, вырасти полноценными членами общества, выбрать правильный путь в жизни, раскрыть имеющиеся у них таланты, — говорит председатель правления Общества выпускников домов милосердия Узбекистана, кавалер ордена «Дустлик» Станислав Мансуров-Ковригенко. — В Узбекистане после обретения независимости огромное внимание уделяется воспитанию подрастающего поколения. В сфере особой заботы — дети, волею судьбы лишенные родного очага. И государственные, и неправительственные структуры совместно занимаются этой важнейшей работой. Наше Общество намерено внести в нее свою лепту. Ведь мы — выпускники домов милосердия прошлых лет — на собственном опыте знаем, в чем конкретно нуждаются нынешние воспитанники этих учреждений. Государство делает все для того, чтобы они были обеспечены нормальными условиями жизни. Однако у таких детей есть огромная потребность реализовать себя, и именно в этом плане они испытывают необходимость в поддержке.

Несмотря на то, что Общество выпускников домов милосердия создано недавно, его активистам уже есть о чем рассказать. Организуются встречи поколений — с ветеранами, представителями творческих профессий. С камерным музыкально-поэтическим театром «Золотые ворота», открытым, кстати, также по инициативе бывших воспитанников домов милосердия, заключена договоренность о регулярном проведении вечеров поэтического искусства для интересующихся этой темой детей-сирот.

Оригинальная экспозиция готовится в Центральном выставочном зале Академии художеств, главными гостями которой станут дети. Здесь будут размещены живописные, акварельные, графические работы и изделия народно-прикладного искусства, звучать музыкальные произведения, созданные выпускниками домов милосердия. Они войдут в коллекцию музея истории детских домов Узбекистана, к формированию которой приступили активисты Общества. Фонд музея составят многочисленные документы и фотографии, свидетельствующие о благородной роли, которую сыграл Узбекистан в воспитании детей, обделенных судьбой, из разных стран. Готовится к изданию красочный буклет «Мы памятью детства живем», посвященный 12-летию независимости Узбекистана. С такими людьми — известными врачами и строителями, энергетиками и художниками, композиторами и учителями — познакомит читателей и малая энциклопедия «Выпускники детских домов Узбекистана». Большую помощь во всей этой деятельности оказывают фонд «Соглом авлод учун», Союз композиторов Узбекистана, Академия художеств, другие творческие и общественные организации республики.

— Душевная щедрость и доброта наших наставников, которые мы ощутили в детстве, стали затем нашей главной опорой в жизни, — считает ветеран органов МВД Людмила Мусаева. — Именно в этом возрасте закладываются основы личности, и проявленная по отношению к ребенку забота сторицей возвращается обществу.

Объявлен конкурс на лучший эскиз памятника «Благодарная память», который по инициативе фонда «Соглом авлод учун» решено воздвигнуть в Ташкенте. Он станет символом искренней благодарности народу Узбекистана от всех людей, нашедших на этой милосердной земле тепло утерянного в детстве родного очага.

А. ИВАНОВА,
корр. УзА.

В ИНТЕРЕСАХ РАСШИРЕНИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Все это делает сотрудничество Узбекистана с Польшей не только практически целесообразным, но и перспективным, надежным и экономически обоснованным.

Следует подчеркнуть, что как в Узбекистане, так и в Польше наблюдается органическая связь внешней политики государства с его внутренней политикой, которая становится особенно тесной и значимой в ответственные периоды развития общества и государства. Сегодня в Узбекистане, когда реформируются все стороны общественной жизни, продолжается процесс углубления демократизации, как никогда наглядно и конкретно проявляется единый смысл деятельности руководства страны внутри страны и на международной арене. Программные установки и практические шаги Президента Ислама Каримова по углублению взаимовыгодного сотрудничества с заинтересованными странами — это прямое продолжение и практическое выражение программы и идеологии реформирования всех сторон нашей общественной жизни. Изменяется общество, укрепляется государство, растут его экономическая мощь, потенциал во всех его основных сферах жизнедеятельности. Расширяются возможности для углубления двустороннего и многостороннего сотрудничества. Это наглядно было продемонстрировано и во время прошедшего визита.

По каким основным направлениям получил свое развитие процесс углубления нашего делового и взаимовыгодного сотрудничества?

По линии экономической. Стороны единодушно подтвердили стремление всемерно развивать экономическое сотрудничество. Как отметил Президент Ислам Каримов, что касается экономики, то кроме традиционных отраслей можно сделать приоритетными для сотрудничества строительство, энергетику, телекоммуникации, добычу и переработку полезных ископаемых, производство строительных материалов, химическую промышленность. К хорошим результатам может привести сотрудничество в области автомобилестроения, в текстильной промышленности и производстве товаров народного потребления. Узбекистан и Польша имеют хорошие возможности для сотрудничества в нефтегазовой промышленности, в развитии малого и среднего бизнеса, туризма и в банковско-финансовой сфере, сельском хозяйстве, и прежде всего зерноводстве, животноводстве, выращивании картофеля, переработке хлопка, овощей, фруктов.

Президенты договорились дать соответствующие указания правительствам по расширению торгово-экономических отношений. Между правительствами были подписаны два кредитных соглашения, а также соглашение о взаимном содействии в таможенных делах.

По линии использования коммуникационных сетей. В будущем году Польша станет членом ЕС. Для нее шире откроются пути в другие страны Европы. И, как сказал Александр Квасьневский, **Польша готова стать для Узбекистана воротами в Европу.** Значит, **как подчеркнул Президент Ислам Каримов перед отлетом в Варшаву, открытые для Польши границы и пути открываются и для нас.** А это имеет большое значение. Если мы будем использовать коммуникационные сети Польши, то будем экономить на каждой тонне груза в среднем 40 долларов США.

По итогам переговоров между правительствами двух стран было подписано соглашение о международном автомобильном сообщении.

По линии внешнеполитической. Важно подчеркнуть, что руководители двух стран с удовлетворением отметили интенсивное развитие политических связей между Узбекистаном и Польшей. Дальновидные решения, принятые руководителями двух стран по самым жизненно важным для стран и народов вопросам, также схожи. Это еще больше **сближает наши страны, особенно в борьбе против международного терроризма, превратившегося в самую жгучую проблему современности, а также против наркоагрессии, организованной преступности и других угроз безопасности.**

Следует подчеркнуть, что Польша высоко ценит конструктивную роль Узбекистана в борьбе за всеобщий мир и международную безопасность, его последовательную позицию в борьбе против международного терроризма и экстремизма и всемерное укрепление и развитие многосторонних связей. Подтверждением этого явилось **награждение Ислама Каримова высшей наградой Польши.** Этот орден вручается лицам, внесшим огромный вклад в укрепление межгосударственного сотрудничества и развитие взаимопонимания между народами. В соответствии с Указом Президента Узбекистана **руководитель Польши был награжден орденом «Буюк хизматлари учун».**

По линии расширении культурных связей и укрепления доверия между народами. По итогам переговоров в Варшаве были подписаны Меморандум взаимопонимания о сотрудничестве между Университетом мировой экономики и дипломатии Узбекистана и Польским институтом международных отношений, Соглашение о сотрудничестве в области туризма между Национальной компанией «Узбектуризм» и Польской туристической организацией.

В ходе визита в Польшу Ислам Каримов вручил Александру Квасьневскому **архивные документы о судьбе поляков, волею судьбы оказавшихся в Узбекистане в годы Второй мировой войны.** Принимая эти документы, Президент Польши подчеркнул, что это благородная акция руководства Узбекистана, она будет способствовать укреплению доверия поляков к узбекскому народу, уважения и доброжелательности между нашими народами и государствами.

В рамках визита в Польшу Президент И. А. Каримов побывал в Гданьске, где осмотрел исторические памятники этого замечательного города. Высокому гостю администрация и жители города устроили теплый прием, продемонстрировали свое глубокое уважение и почтение.

По линии военно-технического и военного сотрудничества. По итогам переговоров была подписана Декларация о военно-техническом сотрудничестве между министерствами обороны. Этот документ имеет большое значение для расширения сотрудничества в военной сфере с учетом уровня развития каждой из сторон. Учитывая тот факт, что Польша становится членом НАТО, **Президент И. А. Каримов подчеркнул, что Польша в качестве члена НАТО может оказать немалую помощь Узбекистану в реформировании армии, обмене опытом.** Стороны отметили, что Узбекистан и Польша активно сотрудничали в рамках Совета Евроатлантического партнерства и документ, подписанный министрами обороны, откроет широкие возможности для дальнейшего расширения связей в военной сфере.

Итоги визита Президента Ислама Каримова в Польшу, показали и доказали всему миру деловой, конструктивный и практически целесообразный характер нашей внешнеполитической деятельности. Бесспорно и то, что и Узбекистан и Польша — государства с обширными интересами, в полной мере совпадающими с интересами всего мирового сообщества. Конечно, у каждой из сторон есть свои приоритеты и во внутренней и во внешней политике. Но они не исключают заботы о благополучии других стран и народов, освободившихся от международных террористов и антинародных режимов. Об этом говорит тот факт, что на переговорах значительное внимание руководители двух стран уделили положению в Афганистане и Ираке, путям возвращения их народов к нормальной жизни.

А. КУРГАНОВ.

Иқтисодиёт. Фан. Техника

ЭКОЛОГИК ТОЗА ҚУВВАТ

БМТ тараққиёт дастурининг (ПРООН) «Қорақалпоғистоннинг чекка қишлоқлари учун энергия» лойиҳаси амалга оширила бошланди.

Лойиҳага кўра Тахтакўпир ва Қораўзак туманларида 25 фотоэлектр станцияси ўрнатилади. Бу митти электр станциялари қуёш нурини фотоэлементлар орқали электр қувватига айлантириб беради.

Минтақада йилнинг ўртача 280 кунида қуёш чараклаб туриши инобатга олинса, бу жуда арзон ва энг қулай усул саналади.

Дастлаб Тахтакўпир туманининг «Қўштруба» поёлкаси фуқаролар йиғини ҳудудида ана шундай 15 фотоэлектр станцияси ўрнатишга киришилди. Улар чўпонларнинг ўтовларида телевизор, радио, музлатгич каби электр ускуналарини, шунингдек, ёритгич чироқларини электр қуввати билан узлуксиз таъминлай олади.

Яна 10 митти электр манбаи Қораўзак тумани отарларидаги қудуқдан сув тортиб чиқарадиган насослар учун ўрнатилади.

(УзА).

ВСЕГО ЗА 10 МИНУТ

Китайские специалисты разработали аппарат, который ставит диагноз на основе метода иглоукалывания. Исследования показали, что изменения в электрических свойствах сорока четырех особенно чувствительных точек на ушах, пальцах рук и ног свидетельствуют о поражении того или другого внутреннего органа. Эти изменения регистрируются специальными сенсорными устройствами и анализируются компьютером, который определяет, какой именно орган поврежден и насколько серьезно. Постановка диагноза занимает всего 10 минут.

ВЫСОКОЭФФЕКТИВНЫЙ СТИМУЛЯТОР РОСТА

Известно, что быстрое увеличение численности населения нашей планеты требует усиленного внимания к обеспечению его продовольствием и предметами первой необходимости. Решение этой важной задачи немыслимо без интенсификации сельского хозяйства, в первую очередь за счет применения стимуляторов роста и химических средств защиты растений.

Среди таких стимуляторов приоритетное место занимают высокоэффективные препараты, производство которых, с одной стороны, базируется на основе местного сырья, с другой — экологической безвредности.

В Институте химии растительных веществ Академии наук Узбекистана разработан своеобразный способ выделения стимулятора роста растительного происхождения. Препарат представляет собой сумму биологически активных веществ, таких как альфатокоферол, полипрениловые спирты, стеролы и высшие алифатические спирты и многое другое, выполняющих как в сумме, так и отдельно важную функциональную роль в жизнедеятельности высших растений.

(УзА).

ДИНОЗАВР, НО...

На берегу озера Лох-Несс найдены останки динозавра, которым, по предварительным данным, около 150 млн. лет. Однако, по словам ученых, найденные останки не принадлежат легендарному лохнесскому чудовищу.

Останки нашел на отмели у берега озера 67-летний местный житель Джеральд Максорли. О своей находке он сообщил сотрудникам Национального музея Шотландии, которые определили, что они принадлежат плезиозавру.

«Животное, чьи останки были найдены, было водоплавающим и обитало в морской воде. Вероятность того, что этот динозавр жил в озере Лох-Несс, чрезвычайно мала. Останки, скорее всего, каким-то образом были перенесены в озеро» — сообщила пресс-секретарь музея.

ОБЪЕДИНЯЮЩАЯ ИДЕОЛОГИЯ...

Патриотизм должен стать объединяющей идеологией России, заявил президент России Владимир Путин на совещании по проблемам развития малых городов. «Патриотизм должен основываться на нашей истории», — считает глава государства. Объединяющая идеология, по словам Путина, заключается как раз в патриотизме.

(По страницам Интернета).

Чегарачилар учун янги бино

Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари Хоразм вилоят штаби биносининг очилишига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари Р. Йўлдошев қатнашиб, сўзга чиқди.

— Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, миллий армиямизни ҳар томонлама шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, — дея бошлади ўз маърузасини нотиқ. — Бу борада вилоятимизда ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Истиқлолга эришилгандан сўнг чегараларимиз дахлсизлиги, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида ҳарбий қисм ва бўлинмалар ташкил этилди. Посбонларнинг намунали хизмат қилиши, яшаши учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Вилоятимизнинг Урганч, Хива, Питнак, Ҳазорасп, Боғот, Қўшкўпир туманларида амалга оширилган ишлар бунга яққол мисол бўла олади. Бугун тантанали равишда фойдаланишга топширилаётган чегара қўшинлари Хоразм вилоят штабининг муҳташам биносини қуриш, таъмирлаш, спорт майдончасини замон талабларига мослаштириш, зарур анжомлар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан маблағ ажратилди. Биз Ватанимиз посбонлари, чегарачилари халқимиз, давлатимизнинг юксак ишончига муносиб бўлиб, ўз хизмат бурчларини сидқидилдан бажаришларига, жанговар шайликни янада кучайтиришларига ишонамиз,

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси ўринбосари полковник Р. Ҳабиев ўз сўзида янги штаб биносида чегарачилар учун яратилган қулайликлардан жуда мамнунлигини таъкидлар экан, Қуролли Кучларимизда давом этаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган қўшимча имтиёзларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Тантанага йиғилганлар ҳузурида вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Б. Қурбонбоев, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг Шимоли-ғарбий минтақавий штаби бошлиғи подполковник М. Мўминов, иккинчи даражали «Чегара қўшинлари аълочиси» нишони соҳиби оддий аскар С. Соҳибовлар ҳам сўзга чиқиб, ўз дил изҳорларини, миннатдорчиликларини билдирдилар.

Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ.

12

Бугунги кунда бепоён далаларимизда иш қизғин. Юртнинг заҳматкаш инсонлари кечаю кундуз тер тўкиб, тонна-тонна ҳосил йиғиштирмоқдалар, халқ фаровонлигини таъминламоқдалар. Қуёшли юртимизнинг кенг далаларида етилиб, олтиндай товланиб ётган буғдой бошоқлари тинч кунларимизга, улуғ Истиқлолга ҳамду сано айтаётгандек, гўё. Хирмонларимиз донга тўлмоқда. Замонавий новвойхоналар юртимиз заминида етиштирилган энг сара донлардан тайёрланган ун билан ишламоқда. Бободеҳқон заҳмати, она-замин саховати — ўзида қуёшни акс эттирган нонлар дастурхонларимизга кўрк бағишлаяпти.

Александр МРУЧАК
олган сурат.

Кенгашган янглишмайди

Тошкент гарнизонида ҳарбий ўт ўчирувчиларнинг йиғин-кенгаши бўлиб ўтди. Унда барча гарнизонлардаги ёнғинга қарши кураш хизмати ва ўт ўчириш гуруҳи бошлиқлари иштирок этдилар.

Икки кун давом этган ушбу тадбирда қиш мавсумидаги ишлар, синов-имтиҳонларда қўлга киритилган натижалар таҳлил этилиб, навбатдаги вазифалар белгиланди. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида янада ҳушёр бўлиш, ҳарбий хизматчилар орасида ёнғинни олдини олишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш, дастлабки ўт ўчириш воситалари доимий шайлигини таъминлаш бўйича йўл-йўриқлар берилди.

Шунингдек, йиғин давомида иштирокчилар учун назарий машғулотлар ҳам бўлиб ўтди. Амалий машғулотларда эса махсус ўт ўчириш техникаларини қўллаш усуллари намойиш этилди.

Харбий қисм командири подполковник А. Синотов, гарнизон ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари хизмати бошлиғи капитан Р. Отажонов, қисм ўт ўчириш гуруҳи масъул ходимлари тадбир юксак даражада ўтиши учун катта тайёргарлик кўрганликлари қатнашчилар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Хулоса қилиб айтганда, йиғин-кенгаш ютуқлар янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этди.

Подполковник
Жўра ҲАМРОЕВ,
Мудофаа вазирлиги ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлими бошлиғи.

СУДЛОВ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳисобот даврида ҳарбий судлар томонидан шахсий таркибнинг ҳуқуқий онгини оширишга доир 517 та тадбирлар ҳамда суд-ҳуқуқ ислоҳотлар мавзусида 270 та давра суҳбати, 19 та илмий-амалий конференциялар уюштирилиши билан бирга ушбу мавзуда ОАВда мақолалар чоп этилган. Айниқса, бу борада Тошкент ҳарбий округи, Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи ҳарбий судларининг амалга ошираётган ишлари мақтовга сазовор.

Ҳарбий судлар фаолиятида юз бераётган улкан ўзгаришлар қувонарли ҳол. Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарияти томонидан кўрилган чоралар, ҳарбий судларнинг Мудофаа вазирлиги ва ҳарбий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида Қуролли Кучлардаги жиноятчилик 47,7 фоизгача камайишига эришилди. Ўтган 6 ой мисолида қараладиган бўлса, ҳарбий қисмини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш каби жиноят турлари 20 фоизгача, оғир жиноят турлари содир этиш 32 фоизга, ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш 18 фоизга камайишига эришилган. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунга аввало ҳарбий судлар томонидан қонун кучининг тўлиқ қўлланилгани, профилактик тадбирлар, таълим-тарбиявий жараёнлар сабаб.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш жоиз. Ҳарбий судлар қўлга киритган ютуқлар билан чегараланмай профилактик тадбирларнинг янги, самарали усулларини татбиқ этмоқда. Жумладан, республика Ҳарбий суди Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда «Ҳарбий хизматчиларга ҳарбий хизматни ўташ тартибига қаршн жиноятлар бўйича эслатма» номли қўлланмани чоп этди. Бу эса Қуролли Кучлар тизимида ҳарбий интизом мустаҳкамланишига, шахсий таркибнинг ҳуқуқий онги янада ошишига замин яратади.

Ҳарбий судлар соҳасида ҳам ислоҳотлар қизғин суръатда давом этаяпти. Бунга жиноий жазоларни либераллаштириш бўйича қилинаётган муҳим ишларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Раёсат йиғилишида судлов жараёнларида хатоларга йўл қўймаслик, одил судлов самарадорлигини ошириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳуқуқий тарғиботни янада кучайтириш, айниқса, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида ҳарбий округ ва ҳудудий ҳарбий судларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, мазкур йиғилишда ҳарбий судлар фаолиятларини такомиллаштиришга оид ва бошқа муҳим масалалар ҳам муҳокама этилиб, келгусидаги вазифа ва режалар белгиланиб олинди.

Республика Ҳарбий суди раёсатининг кенгайтирилган мажлисида ҳарбий округ ва ҳудудий ҳарбий судлар раислари, судьялари иштирок этишди. Пигилишни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси адлия полковниги Тоҳир Мирзаев бошқариб борди.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Ҳиндистон—Покистон: яка борди-келди бошланмоқда

Ҳиндистон ва Покистон муносабатларида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Жанубий Осиё минтақасининг мазкур икки мамлакати ўртасидаги зиддият ярим асрдан бери давом этиб келаётган эди.

Ҳиндистон Покистонга авиақатновни йўлга қўйишни таклиф этганди. Куни кеча Покистон ҳукумати ушбу таклифга розилик билдирди. Покистон ташқи ишлар вазирлиги вакили мазкур масалани кенгроқ кўриб чиқиш мақсадида Исломободда икки давлат вакиллари иштирокида музокара ўтказишни таклиф этди.

2001 йилнинг декабрида бир гуруҳ террорчиларнинг Ҳиндистон парламенти биносига уюштирган ҳужуми натижасида Ҳиндистон ва Покистон муносабатларига яна совуқлик оралаганди. Натижада икки қўшни мамлакат ўртасидаги транспорт алоқаси бутунлай тўхтатиб қўйилди.

Жорий йилнинг апрелида Ҳиндистон бош вазири Атал Биҳари Важпан Покистон раҳбарига ўзаро ҳамкорлик масалаларига Жанубий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ёндашишни таклиф этди. Таклиф натижа бера бошлади. Икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар тўлиқ тикланди. Шунингдек, Ҳиндистоннинг Нью-Дели ва Покистоннинг Лаҳор шаҳарлари ўртасида автобус қатнови йўлга қўйилди.

Бироқ жорий йилнинг 4 июлида Покистоннинг Кветта шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракати икки қўшни мамлакат муносабатларининг бирмунча ёмонлашувига сабаб бўлди. Масжид ёнида содир этилган портлаш натижасида эллик икки киши қурбон бўлди. Покистон Ҳиндистонни ушбу воқеага алоқадорликда айблади.

Куни кеча Покистонда нашр этиладиган «Ньюс» газетасида 4 июлдаги портлашни «Лашкар-э-Жагви» айримачи ташкилоти амалга оширгани маълум қилинди. Мазкур ташкилот фаолияти 2002 йилда Покистон президенти Парвез Мушарраф томонидан тақиқлаб қўйилган эди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

«ТОНГ»ДАГИ ТОТЛИ ДАМЛАР

Тўкинчилик фасли ёзни болажонларимиз орзиқиб кутишади. Улар интиқиб кутган ёзги таътилни биз катталар имкон қадар мазмунли ва эсда қоларли қилиб ўтказишлари учун ҳаракат қиламиз. Мудофаа вазирлигига қарашли «Тонг» соғломлаштириш лагери ҳам бу мавсумда иккинчи бора болаларни қабул қилди. Баҳаво тоғ бағрида жойлашган масканда фарзандларимизнинг мириқиб дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Лагерь бошлиғи Людмила Васьковскаянинг таъкидлашича, бундай қулай шароитни яратишда Мудофаа вазирлигининг маданий ишлар хизмати бошлиғи подполковник Баҳодир Тўйчиев, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Шомақсуд Мажидовнинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир.

— Бу ерда болаларнинг қизиқишларига қараб турли тўгараклар иш олиб бормоқда, — дейди Людмила Васьковская. — Спорт мусобақалари, лагерлараро спартакиадалар ўтказиб турилади. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай спартакиадада бизнинг «Тонг» «Семург» болалар соғломлаштириш лагери билан беллашиб, ғолиб бўлди. Бунда албатта, жисмоний тарбия мураббийлари Ольга Незнамова, Анатолий Коннов, Валерий Гончаровларнинг фидойиларча меҳнати ушбу ғалабани таъминлади. Бундан ташқари шундай тарбиячиларимиз борки, улар болалар қалбига осон йўл топиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлишмоқда. Елена Москвичова, Мария Пчеловодова, Эдуард Киселев, катта етакчилар Асхат Габзалилов, Жаҳонгир Аҳунов, Оксана Головизиналар шулар жумласидандир. Лагерь ҳақида, бу ердаги қайноқ ва шодон ҳаёт ҳақида кўп гапириш мумкин. Аммо буларнинг барчасига ишонч ҳосил қилишингиз учун ўз кўзингиз билан кўриб, болалар, уларнинг ота-оналари билан ҳам суҳбатлашишингизни маслаҳат берардим.

Людмила Хворикова раҳбарлик қилаётган рақс тўгараги, Сергей Протасов раҳбарлигидаги амалий санъат тўгараклари ҳамиша болажонлар билан гавжум. «Икебана» — болалар ўз қўллари билан ишлаган ижод намуналари танлови, айниқса, қизиқарли ўтди. Бунда дарахтлар пўстлоғидан, япроқлардан ҳар хил шакллар ясалади. «Дунё болалар нигоҳида» расмлар кўргазмаси ўғилқизларимизнинг турли-туман мавзуда, аммо битта мақсадга яъни, эзгуликка йўғрилган содда, ғўзал ички оламларининг намойиши бўлди, десак янглишмаймиз. Ушбу танлов ва кўргазма ғолиблари эсдалик совғалар, ширинликлар билан тақдирланишди. Халқ амалий санъати намуналари кўргазмасида амалий санъат тўгарагининг 2000 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда болалар томонидан ишланган энг яхши ижод намуналари намойиш этилди. Бу ҳам бўлса митти қалбларнинг нафосатга ошно эканлигидан далолатдир. Бу ерда яна шундай оҳанраболи жой борки, бу маскан кутубхонадир. Кутубхона мудираси Дилором Раҳимова болажонларнинг энг яқин маслаҳатчиси. Зиё масканида ўғилқизларимиз учун ўзбек ва рус тилларидаги энг янги, қизиқарли адабиётлар мавжуд. Жаҳон, қардош халқлар болалар адабиётининг энг яхши намуналарини ушбу мўъжаз кутубхонадан топишингиз мумкин. Турли мавзудаги суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, радиосуҳбатлар — буларнинг барчаси зиё маскани фаолияти билан боғлиқ бўлиб, болалар учун кутубхонанинг севимли жойлардан бирига айланишига замин яратган.

Шаҳноза Парпиева ва Мадина Аҳмедовалар олти йилдан бери «Тонг»да дам олар эканлар:

— Бизга «Тонг» болалар соғломлаштириш лагери ниҳоятда ёқади, — дейди улар. — Қизиқарли адабиётларга бой кутубхона, рақс тўгараклари, спорт мусобақалари, вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган дискотекалар барчамизга баробар қувонч улашади.

2-гуруҳ аъзолари — А. Коханюк, Е. Лютикова, А. Киотин, Р. Юлдашева, В. Воловичлар бу ерда яратилган шароитдан мамнун эканликларини, овқатлар ширин тайёрланишини, тарбиячилари М. Богачева ва етакчи И. Дягайни жуда яхши кўришларини бирбирларига гал бермай, болаларча самимият ва софдиллик билан изҳор қилишди.

Тарбиячи Айнаш Ходжиаҳмедова иккинчи йили «Тонг»да ишламоқда. У Нукус шаҳридан келган. Экологик ҳолати оғир ҳисобланган Оролбўйида хизмат қилаётган ҳарбийларимизнинг фарзандларига тарбиячилик қилмоқда. Улар учун бу ерда барча шароитлар кўнгилдагидек яратилган. Камқонликка қарши даволанадилар, массаж оладилар. Қисқа фурсатда уларнинг соғлиқларини ошириш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда.

— Ўн кун ичида ўғлим Муҳаммадалидаги ўзгаришлар мени қувонтириб юборди, — дейди болакайнинг онаси Дилдора Қосимова. — Тоза тоғ ҳавоси, олти маҳал бериладиган мазали овқатлар, спорт, тушликкача бўладиган туристик походлар унга ижобий таъсир кўрсатганлиги шундоқ қина юз-кўзларидан билиниб турибди.

— Болаларимиз учун шундай шароит яратиб берган Мудофаа вазирлиги раҳбариятига кўпчилик ҳарбий оилалар номидан миннатдорчилигимизни изҳор этаман, — дейди Умида Каримованинг отаси Козим Каримов. — Болаларимиз учун яратилган яхши шароитнинг ёнига ота-оналар учун ҳам яна бир қулайлик — ҳар якшанба куни «Тонг» болалар соғломлаштириш лагерига бориб келиш учун автобус ҳам ажратилганлиги бизни янада мамнун қилди.

Худди шундай фикрларни ота-оналар — Ҳусния Тиллахўжаева, Г. Алимуҳаммедова, Г. Ҳайитовалар ҳам билдиришди.

Лагерга санъат аҳли ҳам тез-тез ташриф буюриб туради. Худди шундай ташриф «Оловиддин» шоу-театри жамоаси томонидан бўлди. Ички қўшинларга қарашли «Турон юлдузлари» ансамбли полковник Александр Пачес раҳбарлигида Умар Ҳамдамов, хизмат кўрсатган артист Ҳусан Носировлар иштирокида концерт намойиш этдилар.

Бир сўз билан айтганда, «Тонг»да фарзандларимизнинг ҳар бир куни мазмунли ва мароқли ўтмоқда.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Ҳафта давомида қувноқ кайфиятда бўласиз. Соғлиғингиз ҳам жуда яхши бўлади. Хизматда ва оилада яхши муносабатлар. Сафдошлардан ёрдамингизни аяманг. Ўзингизни кўрсатишга ҳаракат қилманг. Командирларга ҳозирча мурожаат қилмай туринг. Сешанба, чоршанба ва жума — сиз учун омадли кунлар.

БЎЗОҚ. Вазият сиз учун муваффақиятли ривожланади. Хизмат сафарлари ва музокаралар яхши натижа беради. Соғлиғингиз жуда яхши бўлади. Дўстингиз даромадга эришишда ёрдам беради. Командирлар ва сафдошлар билан ишчан руҳдаги муносабатлар. Алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Чоршанба ва шанбада омад сизга ёр бўлади.

ЭГИЗАКЛАР. Яхши хизмат натижасида жамоада обрўйингиз ошади. Қизиқарли ғоялар, муҳим режалар пайдо бўлади. Уй ва мулк борасида яхши ўзгаришлар кутилмоқда. Дўстингиз ва севган кишингиз билан келишмовчилик юзага келиши мумкин. Жиддий ишларни келаси ҳафтага қолдирганингиз маъқул. Душанба, жума ва шанба — муваффақиятли кунлар.

ҚИСҚИЧБАҚА. Лавозим борасида яхши ўзгаришлар бўлади. Командирлар билан муваффақият келтирувчи учрашувлар, янги иш бўйича қизиқарли таклифлар бўлиши кутилмоқда. Мансабингиз ошиши ёки мукофот олишингиз мумкин. Дўстлар билан фойдали муносабатлар. Сафдошларга эътиборли бўлинг. Чоршанба ва жума — сизга омад келтирувчи кунлар.

АРСЛОН. Энг муҳими — ўзингизни алдаманг. Хизматингиз муваффақиятли давом этади, сафдошлар орасида ҳурматингиз ошади. Яхшигина қўшимча даромадга эга бўлишингиз мумкин. Ҳарбий жамоада сафдошлар ва қўл остидагилар билан ажойиб муносабатлар. Жума (айниқса, кунинг иккинчи ярми) — омадли келади.

ПАРИЗОД. Кўп нарсани ўзингизга олманг, катта режалар тузманг — ҳақиқатгўй ва камтарин бўлинг. Хизмат сафарлари ва бу борадаги музокаралар муваффақиятли бўлади. Уйда ҳам ишлар кўнгилдагидек давом этади. Соғлиғингиз ҳам жуда яхши бўлади. Сешанба, чоршанба ва жума (айниқса) — сиз учун омадли кунлар.

ТАРОЗУ. Ўзгалар маслаҳатига қулоқ солманг, ўзингиз мустақил равишда қарорлар қабул қилинг — бу ҳафтада омад сиз томонда. Соғлиғингиз жуда яхши бўлади. Командирлар ва сафдошлар билан ҳам ишчан, кўтаринки кайфиятдаги муносабатлар. Дўстларга ишонсангиз бўлади, аммо бу ҳафтада эмас — келаси ҳафтада. Пайшанбада омад сизга ёр бўлади.

ЧАЕН. Турли муаммолар ҳақида қанча кам ўйласангиз — ўзингизда муаммолар шунча кам бўлади. Хизматни қоида, низомлардан четга чиқмаган ҳолда бажаринг — яхши натижаларга эришасиз. Сафдошлар кўп ишларда ёрдам беришади. Ўзингизни ҳар доимгидек тутинг — атрофдагиларни, айниқса, турмуш ўртоғингизни алдаманг. Душанба, пайшанба ва якшанба — омадли кунлар.

ЎҚОТАР. Маблағ борасида ҳамма ишлар кўнгилдагидек бўлади. Хизмат сафарлари муваффақиятли ўтади. Командирлар, хизматдошлар ва қўл остидагилар билан ишчан, яхши муносабатлар. Янги режалар пайдо бўлади. Оилада кичик келишмовчилик содир бўлиши мумкин. Пайшанба ва жума — сизга омад келтирувчи кунлар.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳамма ишларни қолдириб, узоқ ўлкаларга саёҳатга кетиш истаги туғилади. Сафдошлар билан муносабатлар кўнгилдагидек давом этади. Бироқ, командирларга ҳозирча мурожаат қилмай туринг — келаси ҳафтага қолдиринг. Маблағ борасида кичик муаммолар бўлиши мумкин. Пайшанба ва шанба — сизнинг омадли кунларингиз.

ҚОВҒА. Ҳарбий жамоангизда дўстона, илиқ муносабатлар. Сафдошлар ва дўстлар қўллаб-қувватлашиб, хизматда ёрдам беришади. Ҳафта охирида даромадга ҳам эга бўласиз. Кўпроқ уйда бўлинг ва хўжалик ишлари билан шуғулланинг. Душанба, пайшанба ва якшанба — муваффақиятли кунлар.

БАЛИҚ. Маблағ борасида яхши имкониятлар пайдо бўлади. Оилада ҳаммаси кўнгилдагидек. Командирлар ва сафдошлар билан ишчан руҳдаги муносабатлар. Жамоада ҳамма ишлар жойида бўлади. Соғлиғингиз безовта қилмайди. Сафдошлардан ёрдамингизни аяманг. Душанба — сизга омад келтирувчи кун.

Бойиш сирлари

Дунёда бойишни орзу қилмаган одам топилмаса керак. Масалан, АҚШ коллежларида таълим олаётган ёшларнинг деярли ярми эллик ёшгача миллионер бўлишини ният қилар экан.

Ҳисоб-китобларга кўра, АҚШда жами 105 миллиондан ортиқ оила бор. Шундан тўрт миллиони миллионер оила экан. Америкалик бойваччаларнинг 80 фоизи элликдан ошган.

АҚШда қандай қилиб бойлик орттирилади? Американинг икки етакчи социологи шу саволга жавоб топиш учун тадқиқот ўтказди. Натижада аксарият миллионерлар ҳар бир центни тежамкорлик билан ишлатиши аниқланди. Ҳатто энг бой америкаликнинг ҳам чўнтагида фақирларга мўлжалланган дўконлардаги маҳсулотларга чегирмалар берувчи купон ва карточкалар юради.

Бойваччалар киядиган аъло сифатли оёқ кийимнинг нархи 400 доллардан ошса-да, уларнинг асосий қисми 140 долларлик туфли кийиб, пулни тежашга кўниккан. Бунинг устига, миллионерлар янги оёқ кийим харид қилгандан кўра, эскини ямоқчига беришни афзал биларкан.

Автоулов танлашда ҳам америкаликлар «каллани ишлатиб» иш тутади. Қимматбаҳо машиналар фақат байрам ва тантаналар учун мўлжалланган, дейди тадқиқотчилардан бири Уильям Данко.

Америка миллионерлари уй харид қилгач, унда камида йигирма йил яшайди. Сўнгра бошқа бойваччага сотиб юборади. АҚШнинг аксарият бойлари Нью-Йорк, Сан-Франциско, Лос-Анжелес ҳамда Даллас шаҳарларида яшайди. Умуман, миллионерлар аҳоли зич жойлашган шаҳарларда эмас, қишлоқ жойларда, дала ҳовлисида яшашга ўрганган.

Миллионерлар оиласида аёллар ишламайди. Бекалар уй юмушлари билан банд.

«Джонтрак, ком» сайтида ёзилишича, миллионерлар мамлакат бюджетига салмоқли маблағ келтиради. Хусусан, бойваччаларнинг бир фоизи давлатга ўз даромадининг 27 фоизини топширади. Умуман, АҚШ бойлари йилига жами икки юз қирқ миллиард доллар миқдорида солиқ тўлар экан.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,
ЎзА шарҳловчиси.



Фонтаны столицы... Как приятно в часы летнего зноя оказаться рядышком с ними, вдоволь насладясь их свежестью и прохладой, их изяществом и неповторимой красотой, созданной рукой человека...

Фотоэтюд
Ольги ЛЫСЕНКО.

«НОДЗОМИ» ИЗИГА ТУШДИ

Япониялик олимлар беш йил аввал Марсга учирилган фазовий экспедициядаги техникавий носозликни бартараф этишга муваффақ бўлди. Айни пайтда «Нодзоми» («Умид») фазовий зондининг парвози яна изига тушган. Мамлакат фазовий тадқиқотлар институти вакилининг хабар беришича, «Нодзоми» ниҳоят керакли траекторияга чиққан. У декабрнинг ўрталарида белгиланган манзилга етиб боради.

«Нодзоми» 1998 йилда «М-5» элтувчи ракетасида учирилган эди. Олимларнинг режасига кўра, зонд 1999 йилда Марс орбитасига чиқиб, атмосфера қатлами ва магнит майдонини тадқиқ этиши керак эди. Бироқ парвоз чоғида кутилмаганда «Нодзоми»нинг ёқилғи захираси камайиб кетди. Натижада зонд мутлақо бошқа орбитага ўтиб қолиб, 4 йил беҳуда учиб юрди. Шунингдек, ўтган йилнинг августида қуёшдан келган кучли нурланиш оқибатида қурилмада техникавий носозлик юзага келиб, Ерга парвоз жараёни ҳақидаги маълумотларнинг узатилиши тўхтаб қолган эди.

Бу воқеадан сўнг мутахассислар Марсга жўнатилган экспедиция ҳалокатга учради, деб ҳисоблай бошлаган эди. Айни дамда «Нодзоми» гравитацияга тобе ҳаракати, яъни Ернинг тортиш кучи ҳисобига ўз тезлигини ошириб, ёқилғи тежай бошлагани олимларни бирмунча умидлантириб турди. Лекин бу ҳолатда ҳам қурилма ҳаракат йўналишидан чиқиб кетиши хавфи мавжуд эди. Ўтган йилнинг декабрида ва жорий йилнинг июнида амалга оширилган Ердан бошқарув ҳаракатлари муваффақиятли натижа билан якунланди.

Ҳозир 166 миллион АҚШ долларига тенг ушбу қурилма парвозни зарур йўналишда давом эттираётир. Мутахассисларнинг фикрича, «Нодзоми» бу гал йўналишдан чиқиб кетмайди ва келаси йилнинг январидан ундан янги маълумотлар кела бошлайди.

Нодирбек УЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

БЕБАҲО ХАЗИНА ТОПИЛДИ

Термиз давлат университети профессори Б. Қодиров бошчилигидаги илмий тадқиқотчилар гуруҳи Шеробод туманининг қадимий Кампиртепа қишлоғидан хазина топди.

Араб, форс, туркий ва тожик тилларида битилган мингга яқин бебаҳо китоб шу пайтга қадар қишлоқдаги эски мактаб-масжидда сақланган. Қатағон йилларида китоб қадрини билган кишилар ўзларини хавф остига қўйиб бўлса-да, уларни сақлаб қолишга уринган. Сандиқларда, эски-туски нарсалар орасида, ҳатто қабристонларда сақлаган, кўмган. Омон-омон замонлар бошланганч, яна масжидга келтириб асраб-авайлаган. Тўғри, китобларнинг кўпи титилиб кетган, сичқону каламушларга ем бўлганлари ҳам анча. Аммо, бутун сақланиб қолганлари ҳам кўп. Улар орасида Аллома Аҳмаднинг астрономияга оид 880 бетлик рисоласи, «Шажараи ҳофизия»га ўхшаш бебаҳо китоблар бор.

(ЎзА).

ИРАНДА — ЎЗБЕК ҚИЗИ

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Иранда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида яшар эди. Ўзбек халқи урушдан азият чеккан минглаб россияликларни жумладан, кўплаб ленинградликларни ҳам ўз бағрига олди. Иранданинг ҳам тақдири Ўзбекистон билан боғланди. Айни кунларда Иранда Мирзаева Нуротада яшайди.

Яқинда навоийлик журналист Леонид Ветштейн Иранда Васильевна ҳақида қисқа метражли фильм яратди. Фильм Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллигига бағишланган кино фестивалда намойиш этилди.

(ЎзА).

ҚОН ТОМИРЛАРИ СУНЪИЙ КЎПАЙТИРИЛАДИ

АҚШда табобат соҳасида яна бир кашфиёт яратилди. Шимолий Каролина штати олимлари инсон териси парчасидан артерия қон томирларини ўстиришга муваффақ бўлди.

Ҳар йили жаҳонда минглаб одамлар қон томирларининг торайиши туфайли хасталанади. Ҳозирги кунгача замонавий жарроҳлик мазкур дарднинг ягона ечими эди. Зарар кўрган томир бошқа донор артериясига алмаштириларди. Бироқ бу усул жуда қимматлиги боис уни ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтаролмайди.

Мазкур кашфиётдан кейин қон томирларини алмаштириш бўйича ўтказиладиган ноёб жарроҳлик операциялари анча арзонлашади.

Дарем шаҳрида жойлашган Дьюк университети тадқиқотчилари ўстирган узунлиги 8 сантиметр, қалинлиги 3 миллиметрлик тўртта сунъий томир ҳали бирор беморга жойлаштирилгани йўқ. Гап шундаки, артерияларга хТЕРТ гени қўшилган. Бу ген уларнинг яшовчанлигини ошириб туради. Бироқ тадқиқотчиларни мазкур ген одатда саратон шишларининг 90 фоизида мавжуд бўлиши ўйлантирмоқда. Чунки, қон томирлари организмга кўчирилганда, саратон хасталигини келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу генни тадқиқ этиш билан шуғулланадиган Бирмингем (Буюк Британия) университети мутахассиси Осиф Аҳмаднинг сўзларига қараганда, геннинг ўзи касаллик чиқармайди. Лекин ҳар эҳтимолга қарши ҳушёрликни йўқотмаган яхши.

(ЎзА).

● ТАЙМ-АУТ

И ЭТО ВСЁ — ФУТБОЛ

С наступлением перерыва в национальном чемпионате заметно оживилось передвижение игроков из клуба в клуб, а также их выезд за границу. Так в алматинском «Кайрате», где уже выступают наши Азиз Хошимов и Андрей Стрельцов, на просмотре находятся Мухтар Курбанов из «Дустлика» и Кайрат Утабаев из «Пахтакора». Добрались узбекистанцы и до далекой Латвии. Впервые в командах этой страны будут играть наши футболисты. По крайней мере один уж точно — это защитник «Пахтакора» и молодежной сборной Борихон Насыров. Еще двое — представители «Дустлика» Виктор Клишин и Илья Кликунов—прибыли в тренировочный лагерь клуба «Рига». Но, пожалуй, самая громкая сенсация — это смена тренера в «Навбахоре». Спустя три года туда вернулся Виктор Джалилов, который уже приводил эту команду к чемпионским медалям, а также дважды она выигрывала Кубок. Сумеет ли возродить былое недавний наставник «Пахтакора»? Сказать трудно, поскольку наманганцы находятся лишь на шестом месте.

***

«Кубок мира» — это символическое название международного клубного турнира с участием представителей четырех континентов, который 15 июля стартовал в Южной Корее. Участвуют в этом «клубном межконтинентальном форуме» 8 известных клубов, среди которых «Мюнхен-1860» (Германия), «Бешикташ» (Турция), «Кайзерс Чифс» (ЮАР), «Лос-Анджелес Гэлэкси» (США), «Олимпик» (Лион, Франция), «Эйндховен» (Голландия), «Насьональ» (Уругвай), «Сенгнам Ильва» (Южная Корея). Команды разбиты на две группы, где на первой стадии турнира и пойдет борьба за лидерство. Обслуживать турнир приглашены восемь арбитров — четыре рефери и четыре лайнсмена. В числе тех, кто будет «работать в поле», и рефери ФИФА из Узбекистана Равшан Ирматов, чей рейтинг на азиатском континенте в последнее время значительно вырос.

***

Форвард сборной Узбекистана и киевского «Динамо» Максим Шацких провел в составе своей команды исключительно удачный сезон. Сначала с его участием бело-синие победили в финале Кубка Украины донецкий «Шахтер», затем на финише чемпионата в непростой борьбе сумели стать чемпионами, ну и, наконец, два мяча, забитых в последнем туре, вывели его на первое место в споре бомбардиров. 22 гола — в украинском футболе это повторение рекорда Сергея Реброва, прежде выступавшего также в рядах киевлян.

У Шацких это уже второй титул самого результативного футболиста Украины. Кстати, Максим был еще автором «золотого» гола в финале первого международного турнира памяти мэтра украинского футбола Валерия Васильевича Лобановского.

***

Азиатская конфедерация футбола подготовила и выпустила в свет ряд постеров, на которых изображены лучшие команды и футболисты нашего континента. Среди них и плакат, посвященный ташкентскому «Пахтакору». Основой его стали фотоэпизоды, подготовленные в ходе ташкентского группового турнира, который, как известно, наш клуб провел с блеском, переиграв чемпионов Ирана, Ирака и Туркменистана. Автор снимков — наш фотограф Анвар Ильясов.

***

В книгу о рефери ФИФА, которую готовит итальянский футбольный журналист Клементи Джанни Микеле, войдет подробный материал о нашем судье Владиславе Цейтлине. Судить футбольные матчи Владислав начал в 1991 году и, будучи студентом Ташкентского государственного университета, в этом же сезоне был принят в ассоциацию судей города Ташкента. Через десять лет—в 2001 году—Цейтлин был внесен в списки арбитров ФИФА и теперь обслуживает матчи международного уровня с участием сборных и ведущих клубов континента.

***

ФИФА обнародовала результаты заседания комиссии по изменению футбольных правил.

Комиссия легализовала искусственные покрытия для проведения на них футбольных матчей под эгидой ФИФА, а также дала добро на проведение эксперимента с использованием судьями высокочастотной радиосвязи во время матчей. Новшество уже было опробовано на Кубке Конфедераций, который недавно состоялся во Франции. Решено также продолжить эксперимент по приближению мяча к воротам нарушивших правила при пробитии штрафного, если «стенка» не соблюдает положенного расстояния от мяча. Еще одним новшеством станет возможность выбора очередности ударов одной из команд при пробитии послематчевых пенальти. Кроме того, комиссия отклонила предложения по возможности пересмотра результатов матчей на основании видеоматериалов, использованию видеотехники для прояснения спорных моментов во время игры, введению судей за воротами, введению удалений с поля на несколько минут матча. Комиссия также подчеркнула, что футболки игроков обязательно должны иметь рукава. Ко всему прочему решено унифицировать правила определения победителя матча, если для этого не хватило основного времени, а судьям рекомендовано обратить внимание на правильность поведения игроков при пробитии пенальти. Комиссия также приняла решения по ряду технических вопросов.

Ярослав КОРУКА.

Табассум

— Эшитишимга қараганда хотинингиз режиссёр эканми?

— Ҳа.

— Қаерда ва нима иш билан шуғулланяпти? Агар сир бўлмаса.

— У уйда ишлайди. Оилавий саҳнада режиссёр.

***

Хотин эрига:

— Азизим, ўртамиздаги муносабатлар мабодо қандайдир ишқий хотираларни эслатмайдими?

— Ромео ва Жульетта?

— Йўқ.

— Отелло ва Дездемона?

— Ҳа, йўқ.

— Соҳибжамол ва маҳлуқ!

***

Бир маст шеригига:

— Мен доим костюмим чўнтагига ўз манзилимни ёзиб, солиб қўяман. Агар маст бўлиб қолсам, уйимга элтиб қўйишади.

— Сиз нима деб ёзасиз?

— Париж, Монмартр хиёбони.

— Ахир сиз Челябинскда яшайсиз-ку.

— Тўғри, лекин икки марта Парижга олиб бориб қўйишди.

***

Ходим бошлиққа қўнғироқ қиляпти:

— Иван Иванович, бугун ишга кечроқ бораман. Уйда шароит шуни тақозо этмоқда.

— Доимо уй шароитингни баҳона қиласан, нима бўлди ўзи?

— Хотиним 1000 сўмлик пулини йўқотиб қўйиб, ҳозир қидиряпти.

— Буни сенга нима даҳли бор? Хотининг қидираверсин.

— Бунинг иложи йўқ. Ахир ўша пулни ўзим босиб турибман-да.

А. САЛИХОВА тўплаган.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 3. Ободонлашиб бораётган ҳудуд. 8. Жўхори унидан ёпилган нон. 9. Қотишма металл. 10. Тилшунослик бўлими. 15. Миллий спорт. 16. Африка оти. 17. Қимматбаҳо маъдан. 20. «Трагедиянинг отаси» деб ҳисобланувчи юнон ижодкори. 21. Таркибида водород бўлган ва унинг ўрнини бирор металл эгаллаганда туз ҳосил қиладиган кимёвий бирикма. 23. Қаттиқ, чўзилувчан, баланд ҳароратда эрийдиган металл. 24. Халқ рақс куйи. 28. Темир рудасидан чўян эритиб олиш иншооти. 29. Тўғри бурчакли учбурчак томони. 30. Мақсадни амалга оширишдаги шарт-шароит. 34. Таниқли ўзбек биокимёгар олими. 37. Юнонистоннинг яна бир номи. 38. Назар-эътибор. 39. Транспорт тури.

БУЙИГА: 1. Тригонометрик функция. 3. Қуруқ мева. 4. Ғалла. 5. Эпчил, чақкон. 7. Хайрли фаолият. 11. Велопойга майдони. 12. Ёзма ҳарф кўринишидаги босма ёзув. 13. Испания футбол командаси. 14. Усти очиқ юк вагони. 18. Бирор нарсани маълум масофадан туриб портлатишда ишлатиладиган чизимча. 19. Ишёқмас. 22. Урф-одат. 25. Ялалоққушлар туркумига мансуб йиртқич. 26. Осиёнинг жануби ва Африканинг шарқий ҳудудларида тарқалган ўркачли хўкиз. 27. Ширинлик тури. 31. Қаттиқ металл. 32. Тоғликлар оралигидаги беполён маскан. 35. Бутуннинг улуши.

ЁЙЛАР БУЙИЧА: 2. Венгриялик шахмат гроссмейстери. 6. Бирор махсус вазифа билан шуғулланувчи мутахассислар ҳайъати. 33. Сайроқи қуш. 36. Сабзавот экини.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 82-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 7. Шеробод. 8. Қамария. 11. Рефлектор. 14. Жигар. 15. Каноэ. 16. «Ўтрор». 19. Экран. 20. Фалсафа. 22. Стадион. 23. Жамна. 27. Баҳор. 28. Акбар. 29. Ҳолва. 33. Эллипсоид. 35. Салидол. 36. Полигон.

БУЙИГА: 1. Шекспир. 3. Шопен. 4. Садоқ. 6. Чиғатой. 9. Улфат. 10. Акробат. 12. Баскетбол. 13. Стефансон. 17. Парда. 18. Истат. 21. «Москвич». 24. Пароход. 25. Касса. 26. «Эвертон». 30. Олмос. 31. Минор.

ЁЙЛАР БУЙИЧА: 2. Ҳодиса. 5. Заргар. 32. Болтиқ. 34. Эрозия.

Бош муҳаррир
полковник
Ш. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам и субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ: № 0275.